

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**“Суғурта иши” кафедраси**

**“МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ”**

**фанидан**

**маъруза матнлари**

**тўплами**

**Тошкент 2005**

“МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ” фанидан маъруза матнлари тўплами. -- Т., “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”. 2005. – 66 бет.

Мазкур маъруза матнларида «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва вазифалари, Тошкент Молия институтининг ташкил топиш тарихи, институтдаги ихтисосликлар ва мутахассисликлар йўналишлари, институтда фаолият юритаётган кафедралар, мутахассислик фанларидан маърузалар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш, адабиётлар устида ишлаш, талабалар билимини баҳолаш мезонлари, мустақил иш, курс иши, битирув малакавий иш ва илмий мақолалар тайёрлаш каби масалалар кенг ёритилган.

Маъруза матнлари 5340000 -“Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасининг «Суғурта иши» 5341300 йўналиши учун мўлжалланган.

Мазкур маъруза матнлари тўплами «Суғурта иши» кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия етилган. 27 июн 2005 й. 6-сон мажлис баёни.

**«Суғурта иши»  
кафедраси мудир:**

**доц. Х.Шеннайев**

Мазкур маъруза матнлари тўплами институт қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия етилган. 7 июл 2005 й. 4-сон мажлис баёни.

**Ректорнинг вазифасини бажарувчи:**

**проф. А.Ваҳобов**

**Тузувчи:**

**к.ўқ. А.Нуруллаев**

**Такризчилар:**

**доц. Х.Шеннаев  
доц. Т.Баймуратов**

## **1-мавзу: «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва вазифалари (2 соат)**

### **1. “Мутахассисликка кириш” фани ва унинг вазифалари**

Ўзбекистон қадимдан юқори даражада тараққий етиб келган деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг бешиги бўлиб, у бир неча минг йиллик тарихга ега. Ўлка аҳолиси мазкур ҳудуд учун анъанавий бўлган пахтачилик, ипакчилик, боғдорчилик, узумчилик, поллизчилик билан шуғулланиб келган. Ҳунармандчиликнинг қатор хиллари ривожланган. Тарихий давр ичида ўзбек авлодлари суғориш ишларини кенг йўлга қўйган едилар.

Жаҳонда Ал-Хоразмий, Имом ал Бухорий, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Нақшбандий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон каби номлари дунёга танилган қомусий олимлар, шоирлар, маърифатчилар, лашкарбошиларни йетказиб берган ўзбек халқи ўз мамлакатининг мустақил бўлишини орзу қилиб келган еди. Муштоклик билан кутилган ана шу кун келди.

1991 йил Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди, шу йилнинг 1 сентябрида мамлакатимиз мустақиллиги еълон қилинди. 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Ўзбекистон Республикасининг ўз таркибига кириши тўғрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон жаҳон тарихида нуфузли бўлган ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Республикаимиз мустақилликка еришгандан кейин таълим тўғрисида қонун қабул қилинди. Қонун сифатида кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури тасдиқланди. Бу ҳужжат таълим тизимининг барча бўғинларида чуқур ислохотлар асосида давлатимиз сиёсатини устувор йўналишини белгилаб берди. Таълим жараёнининг мазмуни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу босқичнинг дастлабки йўналиши мутахассисликка кириш ўқув курсини ўрганишдан бошланади.

Бу курсни ўрганиш жараёнида талаба фақат олий таълим ҳақида умумий тушунчага ега бўлиш билан чегараланмасдан, унинг ўрта таълимдан фарқини яхши тушуниб олиши керак, олий мактабни тузилиши ўқув жараёнининг ташкилий масалалари, тартиб интизом, йўналишлари ҳақида йетарли даражада хабардор бўлиши керак. Бу биз ўрганаётган курснинг умумий вазифаси ва йўналишидир.

Курснинг умумий вазифаси институт шарт-шароитига тезроқ мослашиш бунинг учун ҳар бир талаб мақсад сари интилиб, ақлий меҳнат маданиятини тақсимлаштириши, ўз вақтини тежаб ундан мазмунли фойдаланишга ҳаракат қилиши керак.

Қисқача айтганимизда, биз олий таълим тизимини «Баливия декларасияси» асосида такомиллаштиришимиз зарур. «Баливия декларасияси»дан олий таълимни ислоҳ қилиш бўйича Европанинг 1061 олий

ўқув юртларида фойдаланилмоқда. Ушбу декларасия ягона Европа таълим тизимига ўтишни тезлаштиришни талаб қилади.

Баливия тизими декларасиясига асосланиб, Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган 100 та тадбирни кўзда тутди. «Баливия декларасияси»нинг иккинчи тури олий таълимда кредит тизими деб аталади.

Унинг мазмуни олинган билимларни кредит сифатида мужассамлаштириш, ҳар бир талаба рейтинг жараёнида бу билимларни ўрганганлик даражасини кўрсатиши кўзда тугилади.

«Мутахассисликка кириш» курсида Баливия тизимини қўллаш асосида талабанинг бўлажак ихтисоси суғурта иқтисодчиси касби ҳақида тўлароқ маълумот бериш талабаларнинг мустақил ишлаш методикаси билан таништириш, илмий тадқиқот ишлари ҳақида маълумот бериш, библиография механизмини тушунтириш кўзда тугилади. Шу билан бирга талабаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади.

Курснинг дастури бўйича қуйидаги мавзулар бўйича маърузалар кўзда тугилади.

1-мавзу: «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва вазифалари.

2-мавзу: Тошкент Молия институти талабаларининг маънавий - маърифий қиёфаси.

3-мавзу: Тошкент Молия институти.

4-мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитишда янги педагогик технологияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти.

5-мавзу: Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнининг илмий асослари.

6-мавзу: Мутахассислик фанларини ўқиш жараёнида китоб устида ишлаш.

7-мавзу: Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнида илмий-тадқиқот ишлари.

## **2. Олий мактабнинг ўрта мактабга нисбатан хусусиятлари**

Олий мактабнинг ўрта мактабга нисбатан фарқини аниқлаш учун дастлаб олий мактабнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш керак. Бу йўналишлар қуйидагилардан иборат:

1. олий мактабда бериладиган билимлар ҳажмини ўрта мактабларга нисбатан ҳажми ва мазмуни жиҳатидан устунлиги;
2. ўқитиладиган билимларни ихтисослиги;
3. назарий билимлар билан амалий билимларни бир-бири билан ўзаро боғланиши ва тўлдириб бориши.

Агарда ўрта мактабда тақдим қилинадиган билимлар бир дарслик ҳажмида бўлса, олий мактабда 5-10 дарслик ҳажмида қўлланма бўлади. Буларнинг ҳар бири чуқур билим олишга хизмат қилади. Иқтисодий масалалар билан боғланган қарор ва тушунтиришга еътибор берилади.

Олий мактабда ёш жиҳатидан юқори бўлган (17 ёхдан юқориси) йигит ва қизлар таълим оладилар. Улар тартиб интизом жиҳатидан шаклланган бўладилар, ота-оналар мажлиси тез-тез чақириб турилмайди.

Ўрта мактабда талабанинг ўзлаштириш даражаси мунтазам текшириб борилади. Олий мактабда рейтинг тизими жорий қилинган. Ўрта мактабда фанлар дарс сифатида ўргатилади. Олий мактабда маъруза ва амалий машғулотлар асосида тушунтиришга аҳамият берилади.

Олий мактабларда талабаларнинг мустақил ишларини амалга оширишга алоҳида аҳамият берилади.

Шундай қилиб, олий таълим ўзининг билим даражаси билан ўрта таълимдан кескин фарқ қилади. Бундай юқори даражада билим бериш учун мустақил ишлашга алоҳида аҳамият берилади.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Талаба;
2. Молия;
3. Институт;
4. Декларасия;
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти;
6. Дарслик.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. «Мутахассисликка кириш» фани нима учун иқтисодий фанлар таркибидан ўрин олган?
2. Фанни ўрганиш усуллари ҳақида тушунча беринг?
3. «Мутахассисликка кириш» фани ўз предметини ўрганишда қайси фанлар билан алоқада бўлади?
4. «Мутахассисликка кириш» фанини ўқитиш нима учун керак?
5. «Мутахассисликка кириш» фани нимани ўргатади унинг қандай вазифалари бор?
6. «Мутахассисликка кириш» фанининг мазмунида нималарни ўргатиш мақсади ётади ва унинг мутахассислар тайёрлашдаги роли қандай?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

Асосий адабиётлар: 1,2,6,7,9,12,24,25.

Қўшимча адабиётлар: 4,6,9,14,19,21,23.

## **2-мавзу: Тошкент Молия институти талабаларининг маънавий-маърифий қиёфаси (4 соат)**

### **1. Тошкент Молия институти талабасининг қасамёди**

Мен, Тошкент Молия институтида таълим ва тарбия олар еканман, жонажон Ватаним, меҳрибон устозларим, азиз ота-оналарим олдида тантанали равишда:

-молия-иқтисод касбини чуқур ва мукамал егаллашга, юқори малакали, иқтидорли иқтисодчи бўлишга;

-ўз билимимни ва маҳоратимни ҳаётга татбиқ етишга, хўжалик фаолиятини, молия, кредит, суғурта ва ҳисоб-китоб ишларини ҳалол юритишга ва тақсимлаштиришга;

-Ватанимнинг иқтисодий қувватини мустаҳкамлаш, унинг ресурсларини кўпайтириш, асраб авайлаш, оқилона фойдаланиш йўлида астойдил меҳнат қилишга;

-муқаддас саждагоҳим, озод Ватаним - Ўзбекистонни севишга ва унга абадий содиқ бўлишга, унинг шон-шуҳратини кўз қорачиғидек сақлаш ва янада кўтаришга, уни обод қилиш йўлида елим деб юртим деб яшашга

***Қасамёд қиламан, қасамёд қиламан, қасамёд қиламан.***

Биз «Мутахассисликка кириш» фанини ўрганар еканмиз, талабанинг қасамёдида кўзда тутилган масалаларни кенгроқ ва чуқурроқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

## 2. Талабаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Мамлакатимиз Конституцияси барча фуқароларнинг илм олиш ҳуқуқига ега еканликлари зарҳал харфлар билан ифода қилинган. Конституциянинг бу кўрсатмаси дастлаб «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Узлуксиз таълим инсоннинг ақл заковатли қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутиши лозим.

Бунинг учун ҳар йили давлат ҳисобидан кўплаб маблағлар ажратилмоқда. Таълим учун давлат сарф-харажати бюджет бўйича сарф-харажатнинг катта қисмини ташкил қилади ва йил сайин ўсиб бормоқда. Агар бу харажатлар 1997 йилда 24,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2000 йилда 36 фоизни ташкил қилди. Таълим учун сарфланган харажатларни кўп қисми олий таълимни ривожлантиришга сарфланмоқда. Бу рақамлар фуқароларни илм олишлари учун йетарли маблағлар ажратилаётганлигини кўрсатади.

Шу муносабат билан институт талабаси номини олган шахслар дастлаб ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини яхши билишлари керак. Талабаларнинг ҳуқуқларига қуйидагилар киради:

-ўқув заллари, кутубхоналар ва бошқа ўқув ёрдамчи муассасаларидан, шунингдек институт спорт иншоатларидан фойдаланиш. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш талабани институт мулкига нисбатан еҳтиёткорона муносабатда бўлишни талаб қилади. Агарда кутубхонага тегишли китоб йўқолса талаба бу китобни 3-4 баробари миқдорида тиклаб бериши керак.

-кафедраларда талабалар илмий жамияти томонидан ташкил қилган илмий тўғаракларда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш.

-мавжуд қонунчиликка асосан стипендия олиш.

Талабаларнинг бу ҳуқуқлари уларга катта вазифаларни юклайди:

а) биноларда палто ва бош кийимларда юришга рухсат етилмайди;  
б) қаттиқ гапириш, шовқин солиш, машғулотлар даврида коридорларда юриш;

в) махсус белгиланган жойларда ва бошқа жойларда чекиш ман қилинади.

Бу вазифалар ҳақида гапирар еканмиз машғулотлар вақтида гаплашмаслик, шовқин солмасликка, коридорда юриб, машғулот давом етаётган хона ешигини очиб, бирор нарсани илтимос қилишга йўл қўйилмаслигини алоҳида уқтириш керак. Бунинг учун ҳар бир коридорга биттадан навбатчи қўйиб тартиб сақлашга алоҳида аҳамият бериш керак. Шу муносабат билан ўқитувчи ва талабанинг муносабатларига алоҳида еътибор бериш керак.

Биринчидан, ўқитувчи дарсга кирганда дарсга келмаган талабаларни журналда белгилаб қуйиши, келмаган талабалар ўтилган дарсларни белгиланган вақтда «отработка» қилишлари керак.

Уч маротабагача дарсга қатнашмаганларга деканат томонидан чақирув йўли билан ҳал қилинади. Уч мартадан ортиқ дарс қолдирилган талабаларнинг масаласини махсус комиссия ҳал қилади.



Агарда талаба семестр давомида дарсларни 30 соатдан кўпроғига қатнашмаган бўлса, у ҳолда ректорнинг буйруғи билан олий ўқув юртидан четлаштирилади.

Талабалар томонидан қолдирилган дарс мазмуни ёзма равишда кафедра ихтиёрида сақланади. Дарсларни қолдирган талаба доимо гуруҳ мураббийси ётиборида бўлиши лозим. Узрли сабабларга биноан дарсга келмай қолган талаба тиббиёт хужжати билан бирга деканга ариза топширади. Шунингдек, талабалар ректорат руҳсатисиз ўқув биноларидан бирор предмет ёки бошқа нарсаларни бошқа бинога олиб чиқиб кетишлари мумкин эмас.

Талабалар интизомли бўлишлари институтда ҳам, кўча-кўйда ҳам, жамоат жойларида ҳам ҳамisha яхши, озода кийинган бўлишлари керак. Ўқув интизомини, ички тартиб қоидалари ҳамда ётоқхона қоидаларини бузганликлари учун талабаларга қуйидаги чораларнинг биронтаси қўлланиши мумкин:

1. танбеҳ берилади;
2. хайфсан ёлон қилинади;
3. огоҳлантирган ҳолда хайфсан ёлон қилинади;
4. институтдан ҳайдалади.

Институтнинг қоидалари орасида жазо чоралари билан бирга рағбатлантириш тадбирлари ҳам кўзда тутилган. Ўқушда юксак кўрсаткичларга еришгани, жамоат ишларида фаол қатнашгани учун талабалар қуйидаги йўналишларда тақдирланадилар:

1. ташаккур ёлон қилинади.
2. ёрлиқлар билан мукофотланади.
3. қимматбаҳо совғалар берилади.
4. мукофотлар топширилади.

Юриш, туриш, кийиниш, овқатланиш, саломлашиш ва бошқа умум тартиб-қоидалар томонидан қабул қилинган одоб қоидалари ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Асрлар давомида шаклланган одоб, ахлоқий қоидаларга амал қилиб бориш нуқсонларни ўз вақтида тузатиш ҳар бир ёш кадрнинг бурчидир.

### 3. Талабаларнинг турмуш шароитлари, дам олишлари

Дам олиш актив ва пассив бўлиши мумкин. Актив дам олишга маданият бойликлари ва гўзалликларидан бахраманд бўлиш, ўзига ёққан ижодий ишлар билан шуғулланиш, ажойиб кишилар билан мулоқотда бўлиш, сайр қилиш ва бошқа керакли машғулотлар киради.

Олий ўқув юртларини маъмурияти талабаларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланишлари учун зарур шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилишлари керак.

Талабаларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланиш учун қуйидаги тадбирлар тавсия қилинади.

Биринчидан, шунини айтиш керакки, ҳар бир гуруҳга мураббий тайин қилиниб, унинг раҳбарлигида ҳар ойда икки мартаба машғулот ўтказилади.

Бу машғулотларда асосан қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Ўтган ҳафтада интизомга риоя қилмаган, дарсга қатнашмаган талабаларга чора кўрилади. Иккинчидан, газета ва журналларда чоп этилган муҳим иқтисодий ва молиявий ҳужжатлар ҳамда қарорларни, Президент И. А. Каримов нутқларини муҳокамаси, учинчидан, долзарб мавзулардаги мақолаларни муҳокамаси мураббий томонидан олиб борилади. Бу доимий тадбирлардан ташқари талабаларни маданий тарбиялашга бағишланган қуйидаги қўшимча тадбирларни амалга оширилиши керак:

1. Талабалар ҳар куни жисмоний тарбия машқларига чиқиб, 10-15 минут ўз жамоалари билан амалий машғулотлар ўтказиш.
2. Гуруҳ мураббийси ташаббуси ва иштирокида корхоналарга экскурсия ташкил қилиш

Бизнинг фикримизча, талаба ўқув даврида кам деганда 2 та суғурта ташкилотига экскурсияда қатнашиши керак, чунки ҳар бир бўлажак иқтисодчи ишлаб чиқариш иқтисодиётини яхши ўрганиши лозим. Бундан ташқари солиқ инспексияси, суғурта ташкилотига ҳам экскурсия ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, кўпчилик талабалар вилоятлардан келиб ўқиганликлари учун бундай экскурсиялар назарий ва амалий аҳамиятга егадир. Музейлар ҳақида гапирганимизда Амир Темур музейи, Санъат музейи, табиат музейлари, ёзувчилардан Алишер Навоий музейи, Ғофур Ғулом музейи, Ойбек музейларини бориб кўриш, талабаларни маданий томондан баркамол ривожланишига яқиндан ёрдам бериш мумкин. Бунда гуруҳ мураббийлари ташаббус кўрсатишлари керак.

Талабаларни маданий жиҳатдан тарбиялаш, уларни вақтли матбуот билан мунтазам танишишларига алоҳида аҳамиятга егадир. Ҳар бир талаба ҳафтада бир мартаба кутубхонанинг ўқув залига кириб марказий газеталарни кўздан кечириши ва керакли мақсадлар мазмунини қисқача ёзиб олиши керак. «Халқ сўзи», «Мулқдор», «Туркистон» газеталари материалларидан фойдаланиб, алоҳида дафтарга ёзиб бориши тавсия қилинади.

Талабаларни маданий жиҳатдан тарбиялашда бадиий адабиётнинг роли катта. Кейинги йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат»

газеталарида кўплаб мақолалар еълон қилинмоқда, бу газеталарда янги адабий китобларга қизиқарли шарҳлар берилмоқда. Бу шарҳларга асосланиб янги китобларни мунтазам ўқиб боришга одатланиш керак.

Кейинги 2 йил ичида институтимизда ёзувчилар, олимлар билан учрашиш, адабий кечалар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда. келгусида бундай тадбирларни янада кучайтириш керак.

Шу билан бирга ётоқхоналарда телевизор орқали берилаётган муҳим ешиттиришларни жамоа бўлиб томоша қилиш ва муҳокама қилиш билан бирга, улардан мустақил ишларида сифат жиҳатидан фойдаланишга ҳам алоҳида аҳамият бериш керак.

Маданият ижтимоий ҳодиса бўлиб жамият ривожлангани сари талабаларнинг маданий даражаси ҳам такомиллашиб боради. Лекин айрим ҳолларда маданиятнинг айрим қирраларига еътибор бермасдан четлаб ўтиш ҳоллари учраб туради. Масалан, оғирроқ юк кўтарган аёлларга ёрдам бериш, ҳомийлик қилиш есимизга келмайди ёки айрим аёлларни кўпчилик олдида ёшини сўраш ҳоллари учраб туради.

Баъзи юқори курсларда қизлар билан йигитлар ўртасидаги муносабат талабга жавоб беради, деб бўлмайди. Тўғри, бу муносабат икки томонга боғлиқ. Йигит қизлар хузурида ўзини йигитдай тўғри, мардона ва олий ҳиммат ҳамда одобли тутиши, қизлар ўзларига хос шарму ҳаё сақлаган ҳолда йигитдан уларни ҳурмат етишини талаб етишлари керак.

Талабалар билан ўқитувчилар ўртасидаги муносабат ҳақида гапирганда талабани мутахассис сифатида йетиштиришда ўқитувчининг хизматлари бебаҳодир. Талаба буни яхши тушуниши керак. Талаба ўқитувчига нисбатан яхши муомалада бўлиши, уни ўта даражада ҳурмат қилиши керак. Ўқитувчи учун ҳурмат белгиси унинг маърузаларига мунтазам қатнашиш ва тинглаш, топширилган вазифаларни бажаришдир. Лекин, талабанинг бепарволиги, беодоблиги ўқитувчининг диққатини чалғитишга, мавзусидан адашиб кетишига олиб келади, уни ғазаблантиради.

Баъзи талабалар ўзининг ўқитувчига миннатдорчилигини ифода қилмоқчи бўлиб, унга бирор нарса совға қилмоқчи бўладилар. Бу ақл идрок ва одобу маданиятдан емас, айрим заиф талабалар ўқитувчига пора беришга интиладилар. Бу ўқитувчига нисбатан ҳурмацизликдир. Бундай талабалар деканатга чақирилиб, қаттиқ огоҳлантирилишлари керак.

Ўқитувчи учун енг яхши совға унинг маърузаларини диққат билан ешитиб, ўзлаштириш ва имтиҳонда «аъло» ва «яъши» баҳо олишдир. Талаба декан ва ректор билан учрашиши мумкин. Бирор ариза билан мурожат қиладиган бўлса, талабнома чиройли ёзилиши, пала партиш, грамматик хатоларга сероб ҳолда ёзилган бўлса ректор ёки декан аризани такрор ёзиб келиши ҳақида кўрсатма бериши, ҳатто масала ҳал бўлмасдан оқибациз қолдирилиши мумкин. Ректор ва декан билан учрашганда фақат таклиф қилганида ўтириб саволларга қисқа ва аниқ жавоб бериш тавсия қилинади. Талаба олий мактаб ва ётоқхона ходимларига нисбатан яхши муомалада бўлиши, уларни озодлик учун интилишларига ёрдам бериш керак.

Талабаларнинг маданий –маърифий тарбияларининг жиҳатларини барчасини санаб чиқиш кўп вақт талаб қилади. Шулардан муҳимлари ҳақида есга олсак ёмон бўлмайди. Бу талабаларнинг бир-бирларига мураккаб шароитларда ёрдам қўлини чўзишда, мураккаб саволларга жавоб топишга қийналган ҳамроҳларига тушунтириб бериш, пулга муҳтож шароитларда уларга ёрдам беришда ҳам намаён бўлади. Бундан ташқари, бошқа шаҳарлардан келган талабалар томонидан ота-оналарига хат ёзиб туриш мажбурият ва бошқалар.

Талабаларнинг маданий жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим қирраларидан бири уларнинг нутқ маданиятларини такомиллаштиришдир. Ўзбек тили бой ва чиройли тилдир. Ўзбек тилига давлат мақоми бериш ҳақидаги докладда тилимизнинг тараққиёти қандай бўлиши ҳақида йетарли тавсиялар берилган. Булардан бири адабий тилимизда гапирганда вилоятларда расм бўлиб кетган шевалар мавжудлигидир.

Масалан, Наманганда «келяпти, боряпти» ўрнига «келутти, борутти» шевасидаги сўзлар қўлланилади, Хоразмда бу тафовут кучлироқ. Айрим ёшлар жонли тилда учрамайдиган ибораларни ишлатадилар. Масалан, «оқ» ароқ маъносида, «ериш» зиёфат, ювмоқ, янги олинган кийим ёки имтихондан ўтгани учун зиёфат каби ибораларни ишлатадилар. Олий мактабларда бундай ибораларни мутлақо ишлатмасликлари керак. Нутқда ортиқ сўзларни, чет ел сўларини ишлата бериш ҳам яхши емас. Шунингдек, талаба кўча-куйда, транспортда, «кампир», «чол ота», «оппоқ дода» деб мурожаат қилмаслиги керак. Кекса одамларга отахон, онахон деб мурожаат қилинса тўғри бўлади. Шунингдек, манави, анави иборалари ҳам чиройли чиқмайди. Бошқалар ўлтирган жойда икки кишини пичирлаб гаплашиши ғалатиноқ чиқади. Биз нутқ маданияти ҳақида айрим мисоллар келтирдик.

Ётоқхоналарда бирга яшаган талабалар бундай камчиликларни тугатишда бир-бирларга ёрдам беришлари керак.

Талабанинг бир суткадаги фаолияти икки қисмдан иборат бўлиши мумкин:

1. Аудиторияда ўтказиладиган ўқув вақти (маъруза, семинар);
2. Мустақил ишга ажратиладиган вақт. Бундан ташқари режа тузганда аудиториядан ташқари вақтни ҳам еътиборга олиш керак. Институтга бориш ва уйга қайтиш, овқатланиш, ухлаш ва бошқалар.

Бундан ташқари, талаба вақтини режалаганда, жамоат ишларида қатнашиш, бадий тўгараклар, кино, театр, музейлар, кўрғазмалар, телевиденияни кузатиш, спорт мусобақаларида қатнашиш ва бошқаларни кўзда тутиш керак. Фикримизча, 1-курс талабасининг ўқув куни режими қуйидагича тавсия қилинади:

7:00 – уйқудан туриш;  
 7:30 - кўлни ювиш, ўринни йиғиш;  
 7:40 - 7:50 – нонушта;  
 7:50 - 8:20 - институтга бориш;  
 8:30 - 14:30 – институт машғулотида қатнашиш;  
 16:30 – 15:00 – овқатланиш;  
 15:00 – 18:00 – тўгаракларга қатнашиш, спорт билан шуғулланиш;  
 18:00 - 19:00 – кечки овқат;  
 19:00 – 21:00 – мустақил ўқув ишлари;  
 21:30 – 23:30 – китоб, газета журналларни ўқиш, телекўрсатувларни томоша қилиш, дам олиш;  
 23:30 – 24:00 ухлашга тайёрланиш, ювиниш, ухлаш.

Биз бунда ўртача кундалик иш графигини бердик. Бу графикка асосланиб дарс жадвали асосида кундалик график тузиш мумкин.

Кундалик график схемасининг шакли қуйидагилардан иборат:

Фанларни мустақил ўрганиш	Вақт минут ҳисобида
Иқтисодиёт назарияси	90
Чет тили	40
Тарих	60
География	50

Ҳар бир талаба ҳар семестр учун ҳар бир фан бўйича юқоридаги шаклда мустақил ишлаш режасини тузиб чиқиши керак. Ҳар бир фан бўйича мустақил иш режаси тузилса, талаба фаолиятини режалаштиришга ёрдам беради.


Талабанинг иккинчи вазифаси маълум мавзуга бағишланган схема ёки жадвал тузиш.

Корхоналар номи	2002йил маълумотлари ( % да )	2003йил маълумотлари ( % да )	2004йил маълумотлари ( % да )

Талабанинг учинчи вазифаси диаграмма ва гистограммалар тузиш ҳамда улардан ўқиш жараёнида фойдаланиш.

Диаграмма доира шаклида тузилади. Гистограмма устунчалар шаклида бўлади.

Мажбурий суғурта	Ихтиёрий суғурта
20	30



Тўртинчи вазифа концепт тузиш.

Бешинчи вазифа тезис. Бу вазифалар мисоллар асосида тушунтирилади. Конспект, реферат, мустақил ишлар ёритилиши жараёнида китоблардан мустақил фойдаланилади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Талаба;
2. Маданий хордиқ;
3. Мустақил иш;
4. Суткалик иш режими;
5. Маънавий – маърифий тадбирлар;
6. Талабанинг қасамёди.

#### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:**

1. Талаба нима ҳақида қасамёд қилиши зарур?
2. Талабанинг ҳуқуқларини айтинг.
3. Талабанинг вазифаларини айтинг.
4. Талабанинг мажбуриятларини айтинг.
5. Талабанинг нутқ маданияти қандай бўлиши керак?
6. Мустақил ишга қўйиладиган талаблар
7. Диаграмма тузиш тартиби.

### **3-мавзу: Тошкент Молия институти (4 соат)**

#### **1. Тошкент Молия институти тарихидан**

Биз «Мутахассисликка кириш» фанини ўрганишни дастлаб Ўзбекистонда иқтисодий фанларни ривожланиши ҳақидаги маълумотлардан бошлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Октябр тўнтаришига қадар Ўрта Осиёда, бир сўз билан айтганда Туркистонда иқтисодий фанлар ривожланмаган еди. Россиядан келган иқтисодчи олимлар 10 га яқин китоб ва мақолалар чоп етган едилар. Лекин иқтисодий мутахассислик бўйича фақатгина олий мактаб емас, ҳатто ўрта маълумот берадиган мактаблар ҳам йўқ еди.

Замон тақозоси билан Россия пахта заводлари ва бошқа корхоналар учун бухгалтерлар, солиқ ходимлари қисқа курс йўли билан тайёрланар еди. Қишлоқ хўжалигида йирик ер егалари ўзларининг ҳисоб-китоблари учун мирзалар ёллар едилар.

2004 йили Ўзбекистон миллий университети ташкил қилинганига 85 йил тўлади. Университет ташкил қилингандан кейин бошқа мутахассислар қатори иқтисодчилар тайёрлашга аҳамият берила бошланди. Лекин ерли миллатлардан жуда кам миқдорда кадрлар тайёрлаб чиқариларди. 1931 йилдан бошлаб кадрлар тайёрлаш ихтисослаштирила бошланди. Тошкент молия институти биринчи марта 1931 йилда Комиссарлар Кенгашининг 173-сонли қарори асосида ташкил қилинди. Дастлаб институт Ўрта Осиё Молия иқтисод институти шаклида ташкил қилинди. Институт бу даврда фақат Ўзбекистон учунгина емас, балки Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари учун ҳам молия ва кредит соҳасида кадрлар тайёрлашни ўз зиммасига олган еди.

Институтни дастлаб 1935 йилда 20 киши тамомлаб чиқди. Бу кадрларга асосан амалий ишдаги мутахассислар дарс бердилар, институтда дарс берувчилар орасида битта ҳам профессор бўлган емас. Ўзбеклар кам еди. Улуғ Ватан уруши даврида институт талабаларининг кўплари Ватан ҳимоясига отландилар. Институтга ўша вақтдаги марказий шаҳарлардан, айниқса Ленинград, Харков ва бошқа шаҳарлардан талабалар кўчиб келдилар. Урушда ярадор бўлган собиқ жангчилар институтда ўқишни давом еттирдилар. Ўша даврда институтнинг биноси кўз шифохонасига бўшатиб берилган еди. Бошқа шаҳардан кўчиб келганлар ўрта мактаблар биносида маъруза ешитиб, ўқишни давом еттирдилар. 1942 йилда институтни ерли миллатлардан фақат уч киши тамомлади. Тошкентга кўчириб келтирилганлар институтни тамомлаганлардан кейин Россия марказий шаҳарларига жўнаб кетдилар. Лекин шу даврнинг ютуқларидан бири шундан иборат едики, кўчирилиб келтирилган олимлар ташаббуси билан институтда аспирантура ташкил қилинди. Уруш тамом

бўлгандан кейин ерли миллат вакилларидан институтга қабул қилишга алоҳида аҳамият берилди. 1945 йилдан бошлаб ўзбек гуруҳлари ташкил қилиниб, кўпчилик фанлардан дарслар ўзбек тилида олиб борилди.

1944 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар Академиясининг иқтисод институтида номзодлик диссертасияларининг ҳимоялари ташкил қилина бошланди. 1949 йилда биринчилардан бўлиб, профессор Х.Р. Собиров диссертасия ёқлади. Урушдан кейинги йилларда янги факултетлар шаклланди. 1962 йилда Ўрта Осиё Молия иқтисод институти Тошкент халқ хўжалиги институтига айлантирилди. Бу даврда кибернетика, ҳисоб, статистика факултетлари шаклланди.

1962 йилдан бошлаб институтда янги факултетлар, ихтисосликлар сони кўпая бошлади. 1961 йилдан бошлаб институтга 13 ихтисослик бўйича номзодлик диссертасияси ёқлашга руҳсат берилди (молия, кредит ва пул муомаласи, саноат иқтисоди, қишлоқ хўжалиги ихтисослиги, саноат ва таъминот).

Институт тайёрлаган мутахассиликларга еҳтиёж ошганлиги сабабли Ўзбекистоннинг молия, банк, ҳисоб иқтисод ва хўжалик корхоналари учун мутахассислар тайёрлашни яхшилаш мақсадида 1991 йил 13 майда Тошкент Халқ Хўжалиги институтининг молия-иқтисод, ҳисоб-иқтисод факултетлари заминида янги Тошкент молия институти ташкил қилинди.



## 2. Тошкент Молия институтини бошқариш

Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини кўлга киритгач, бозор муносабатларини шакллантириш, демократик жамият асосларини барпо қилиш асосида молия институтининг мавқеи янада ошди. У молия, кредит, ҳисоб-иктисод ва бошқа мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрловчи асосий даргоҳга айланди.

Ҳозир институтда 7 та факултет: 4 та кундузги ва 3 та сиртқи факултетлар бор. Магистратура бўлими ҳамда 24 та кафедра фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирда институтда таълим олаётган 7 минг нафардан ортиқ талабага 400 га яқин профессор-ўқитувчилар сабоқ беришади.

Молия-иктисод факултети куйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди: а) молия, б) солиқлар ва солиққа тортиш, в) суғурта иши, г) инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш, е) қимматли қоғозлар ва биржа иши йўналишлари бўйича факултетда 1860 га яқин талаба таҳсил олади.

Ҳисоб-иктисод факултетида бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши бўйича ўқитилади.

Кредит-иктисод факултетида банк иши йўналиши мавжуд.

Бошқарув факултетида иктисодчи-ўқитувчи, менежер, статистик-иктисодчи мутахассисликлари мавжуд.

Бундан ташқари институтнинг сиртқи факултетларида 3 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади.

Булар баробарида институтда кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини таъминловчи молия лисейи, солиқ лисейи, банк коллежи, молиячи бизнес мактаби, магистратура, малака ошириш институти, аспирантура ва докторантура бор.

Шунингдек, институтда таълим ҳақидаги, қонун талабларига хизмат қилувчи компьютер, нашр ишлари, илмий ўқув ахборот технологияси, кутубхона, босмахона мавжуд.

Институт ривожланган чет ел турдош университетлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда институт АҚШ, Англия, Франция, Германия, Италия, Жанубий Корея, Малайзия ва бошқа кўпгина давлатларнинг олий ўқув юрлари билан алоқа қилади. Бу олий даргоҳнинг олимлари тез-тез меҳмонимиз бўладилар. Елликка яқин талаба, ўнлаб профессор-ўқитувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Истеъдод» жамғармаси бўйича хорижий мамлакатларда таълим олмоқдалар.

Институт таркибида талабалар учун жиҳозланган 3 та талабалар уйи мавжуд. Бу даргоҳларда спорт билан шуғулланиш, дарс тайёрлаш учун тегишли шароитлар яратилган.

Яна бир нарса ҳақида айтиб ўтиш керак, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар катта тезлик билан ишлайдиган интернет тармоғи билан боғланганлар. Бундан ташқари институтда масофавий ўқитиш тизими ўзининг дастлабки фаолиятлари ўқув сифатини оширишга яқиндан ёрдам бермоқда.

Бозор иктисодига ўтишнинг муҳим 2 талабларидан бири: тайёрланаётган мутахассисларнинг ишчанлиги, сифатини янада яхшилаш; уларнинг ижодий

фикрловчи ва ташаббускор мутахассислар қилиб тарбиялашга еришишдан иборат. Бу вазифани амалга оширишда институтда ўқув жараёнининг серунум ташкил қилиш муҳим аҳамиятга егадир. Маълумки, ўқув жараёни ташкилий ва услубий шаклларгагина ега бўлмасдан у кўп қирралидир. Бу қирраларга ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарс жадваллари, синовлар, маслаҳатлар, турли хил тажрибалар киради.

Ўқув жараёни қирраларини самарали ишлаши илмий жиҳатдан раҳбарликни талаб қилади. Бундай раҳбарлик дастлаб институт ректори ва унинг ходимлари томонидан амалга оширилади.

Институтга ректор раҳбарлик қилади. Ректор Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси тайинланади, ректорга унинг ўринбосарлари итоат қилиб, институтдаги барча ишлар улар ўртасида тақсимланади. Ўринбосарлар ўқув, илмий тадқиқот, тарбия, хўжалик ишлари бўйича ўзларига белгиланган вазифаларни амалга оширилишини таъминлайдилар. Талабалар айрим масалаларни ҳал қилиш учун ректор ўринбосарига итоат қиладилар. Ҳар бир факултетга алоҳида декан тайинланади. Институтда 25 та кафедра бор. Бу кафедралар ўз ихтисосликлари бўйича тегишли деканларга итоат қиладилар. Масалан Молия-иқтисод факултети деканига «Молия», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Суғурта иши» ва бошқа кафедралар итоат қилиб, декан орқали маъмурий бошқарилади. Деканлар ўз фаолиятларида ҳар бир гуруҳдаги талабалар билан гуруҳбоши орқали боғланидилар. Агар бирорта талаба дарсга келмай қолса, гуруҳ сардори деканни хабардор қилади.

Ўқув ишлари асосан кафедралар томонидан ташкил қилинади. Ҳар бир кафедра ҳар бир фан бўйича тасдиқланган ўқув дастурига ега. Фан дастурлари мавзуларга ажратилиб, ҳар бир мавзу бўйича фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати, таянч сўз ва иборалар, назорат қилиш учун саволлар келтирилади.

4 йил давомида талабаларга ўқитиладиган фанларнинг асоси 3 йўналишда тасаввур қилиш мумкин.

1) Назарий-ижтимоий фанлар.

2) Мутахассисликка доир фанлар.

3) Бундан ташқари амалий аҳамиятга ега бўлган масалалар ҳам ўргатилади.

Умумий назарий ижтимоий фанларга Ўзбекистон тарихи, иқтисодий география, иқтисодий назария ва бошқалар киради.

### 3. «Суғурта иши» ихтисослиги

Институтда 4 йил давомида ўқитиладиган ихтисосликка доир фанлар бўйича куйидагиларни гапириш мумкин. Бу фанлар бир семестрда ўқитилмасдан 4 йил давомида семестрлар бўйича тақсимланади ва фан бўйича алоҳида дафтар тутиши керак. Бунда маъруза учун алоҳида, семинар ва амалий машғулот учун алоҳида дафтар тутилади. Ҳар бир дафтарга талабанинг фамилияси, дарс олиб борувчи ўқитувчининг исми ва шарифи кўрсатилади.

Агарда ўқитувчи томонидан уйга вазифа берилса, бу вазифа алоҳида қоғозда ҳал қилиниб, кейин амалий машғулот дафтарига кўчирилади.

Маъруза учун тутиладиган дафтарда ҳар бир маъруза қачон ўтказилгани, ўқитувчининг фамилияси кўрсатилиши керак.

Юртбошимиз И. А. Каримов айтганларидек иқтисодиёт сиёсатидан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил қилмоғи лозим.

Иқтисодиётни сиёсатдан устунлигини таъминлашда республикамизнинг мустақил давлат бюджети, пул бирлиги, банк ва суғурта алоҳида тизимлари бўлиши муҳим аҳамиятга ега. 1991 йилга қадар республикамиз ўзининг мустақил давлат тузумигагина эмас, балки давлат бюджетига ҳам ега эмас, республика бюджети СССР давлат бюджетининг таркибида бешинчи ўринда турар еди. Иттифоқ бюджети республикамиз молиявий ресурсларининг анчагина қисмини марказлаштирган ҳолда бу маблағлар бошқа республикалар ҳудудида, уларни манфаатларини кўзлаб сарф қилишар еди.

Мутахассисларнинг фикрича, 1992 йилга қадар ўтган 40 йил ичида республикамизда яратилган миллий даромад 200-224 миллиард сўм миқдоридagi бойликни ташкил қилган ушбу маблағ иттифоқ манфаатига, шу жумладан бошқа республикалар манфаатларга хизмат қилган. Ҳар йили республикамизнинг ўртача 5,5 миллиард сўмлик даромади, шу ҳисобда пахтадан 3,5 миллиард, олтиндан 2,2 миллиард сўм, пилладан 280 миллион сўм, шунингдек, газ, қорақўл ва бошқа даромадларидан бошқа республикалар, биринчи навбатда, Россия баҳраманд бўларди. Айни вақтда Россия ва бошқа республикаларнинг иқтисодчилари Ўзбекистон қарздор мамлакат деган уйдирмалар тарқатар еди, холбуки бошқа республикаларнинг Ўзбекистондан қарзлари 150 миллиард сўмдан кам эмас еди.

«Ўзбекистон бунинг евазига нималарга ега еди», - деб савол қўйиб, И. А. Каримов: «биз 30-40 фоиз дотасия асосидаги давлат бюджетига ҳамда собиқ иттифоқдаги паст турмуш даражасига ега едик, ҳар қадамда бизни боқимандаликда айблалар, сизлар Москва бўйнига осилган тошсизлар», - деб таъна қилишар еди деган. (Маърифат «17 апрел 1996 йил») Ҳақиқатда еса биз Москва бўйнидаги тош бўлмасдан, аксинча, Москва бизнинг бўйнимиздаги тош, Москва 70 йил давомида мустамлакачилик сиёсати асосида миллий даромадимизнинг анчагина қисмини сўриб келган.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бозор муносабатлари талабларига мос бўлган суғурта тизимини барпо этишни тақоза етди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда ягона - давлат суғурта органлари фаолият юритган бўлса, ҳозирги пайтда кескин рақобат

мухитида суғурта хизматларини кўрсатувчи 21 та турли мулк шаклидаги суғурта ташкилоти ва 300 дан ортиқ уларнинг филиаллари мавжуд. Мавжуд суғурта ташкилотларининг 5 таси хорижий капитал иштирокидадир. Ҳозирги пайтда, айрим маълумотларга кўра, суғурта ташкилотлари ва уларнинг филиалларида 3000 дан ортиқ мутахассислар ишлайди. Афсуски, уларнинг кўпчилиги суғурта йўналиши бўйича махсус олий маълумотга ега эмас.

Иқтисодий ривожланишида суғурта соҳаси стратегик аҳамиятга ега бўлганлиги учун ушбу тармоқни ривожлантиришга мамлакат раҳбарияти ва ҳукумати томонидан катта етибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада еркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 январда қабул қилган Фармонида мувофиқ, 2002 йилнинг 1 февралдан бошлаб, мулкчилик шаклларида қатъий назар, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди. Солиқ тўлашдан бўшаган маблағларнинг катта қисми республика минтақаларида суғурта ташкилотларининг бўлинма ва агентлик тармоқларини ривожлантиришга сарфланади.

Бундай шароитда суғурта соҳасининг юқори малакали мутахассисларга бўлган еттиёжи янада ошади. Шунини етиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 4 сентябрдаги №Р-1616 - рақамли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган иқтисодий мутахассислик бўйича кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларининг ихтисослик фанлар бўйича кафедра мудирларини аттестасия қилиш Комиссиясининг 2003 йил 5 февралда бўлиб ўтган йиғилишида «Суғурта иши» бўйича янги йўналиш очиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги инвестициялар ва ислохотлар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг иқтисодий, молия, банк соҳаларини ислох қилиш, бозор тамойиллари ва механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Комиссиясининг 2001 йил 21 июлда бўлиб ўтган мажлисида ҳам суғурта ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича узоқ муддатли дастурлар тайёрлаш вазифалари юклатилган еди.

Етироф этиш зарурки, суғурта соҳасида давлат монополиясининг тугатилиши ва рақобатга асосланган турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотларининг вужудга келиши мазкур соҳа учун малакали ва билимдон кадрлар тайёрлаш заруриятини келтириб чиқарди. Тошкент Молия институти йетарли илмий-педагогик ва моддий-техника базага ега бўлганлиги сабабли 1995 йилдан буён «Суғурта иши» йўналиши бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйди. Ўтган йиллар мобайнида институт томонидан 100 дан ортиқ мутахассис кадрлар тайёрланди ва улар республикамизнинг йирик суғурта ташкилотлари бўлган «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» давлат-аксиядорлик суғурта компанияларида муваффақиятли меҳнат қилишяпти.

Аммо, 2001 йилдан янги давлат таълим стандартларини жорий этилиши муносабати билан «Суғурта иши» йўналиши мустақил таълим йўналиши

сифатида тугатилди. Ушбу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлаш “Молия” йўналиши таркибида йўлга қўйиладиган бўлди. Бизнинг фикримизча, “Молия” йўналиши таркибида суғурта соҳаси бўйича малакали ва йетарли билимга ега бўлган бакалавр мутахассисларни тайёрлаш кутилган натижани бермайди. Чунки, “Молия” йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга, асосан, молия тизимида оид махсус фанлар (“Молия назарияси”, “Давлат бюджети”, “Халқаро молия муносабатлари” каби фанлар) чуқур ўтилган ҳолда, суғуртага дахлдор бўлган фақат битта фан - “Суғурта иши” бир семестр ўтилади. Бу суғурта ишини пухта егаллаш имкониятини бермайди.

Суғуртанинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш, суғурта ишини ташкил етишнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини чуқур ўзлаштириб олиш, суғурта шартномаларини тузиш ва ижро етилишини мукамал ўрганиш, суғурта соҳасида ривожланган чет мамлакатлар тажрибасидан воқиф бўлиш - суғурта соҳасида замонавий ва билимдон кадрларга бўлган талабларнинг негизини ташкил етади. Бундай талабларга жавоб берувчи мутахассисларни тайёрлашга, фақат, “Суғурта иши” бўйича янги таълим йўналишини очиш орқали еришиш мумкин. Мазкур йўналиш бўйича институтда ихтисослашган “Солиққа тортиш ва суғурта иши” кафедраси мавжуд бўлиб, унда соҳани сир-асрорларини чуқур егаллаб олган профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатишади.

2004/2005 ўқув йилидан бошлаб институтга “Суғурта иши” йўналиши бўйича талабалар қабул қилиш йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан 2004 йил 15 декабрида «Солиққа тортиш ва суғурта иши» кафедраси базасида «Суғурта иши» ва «Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедралари ташкил етилди.

Суғурта фуқаролар ва корхоналарнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ манфаатларини ҳимоя етувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган. Бизгача етиб келган манбаларга қараганда, дастлабки суғурта шартномалари бундан ВИ-ВИИ аср муқаддам Византия ерларида пайдо бўлган. Баъзи олимлар, хусусан, и.ф.д., проф. Собиров Ҳ. Р. суғуртанинг вужудга келиши билан боғлиқ муаммога ўз муносабатини билдириб шундай ёзади: “Суғурта тушунчаси пул ва кредит тушунчаларидан олдин шакллана бошлаган. Дастлабки жамоа тузуми даврида ҳар бир оила ҳаёт учун енг зарур озиқ-овқат заҳираларини ғамлаш заруриятини тушуна бошлаганда, заҳиралар йетарли бўлмаса ёки бирор ҳодиса туфайли қўшимча моддий неъматларга еҳтиёж сезилса, қўшнилاردан қарз олинган, бузилган иморатлар хашар йўли билан тикланган”. Тўғри, суғурта ҳимоя воситаси сифатида пул ва кредит тушунчаларидан олдин пайдо бўлган бўлиши мумкин. Суғурта заҳиралари натура шаклида шаклланган. Бу анча қийинчиликларни келтириб чиқарган. Чунки, заҳираларни натура шаклида жамғариш уларни узоқ муддат сақлаш имкониятини бермаган.

Товар-пул муносабатларини пайдо бўлиши суғурта заҳираларини пул кўринишида шакллантиришга замин яратган.

Маълумки, пулнинг асосий функцияларидан бири тўлов вазифасини бажаришидир. Пулнинг пайдо бўлиши муносабати билан суғурта заҳирасига ййғиладиган суғурта мукофотлари пул кўринишида тўланадиган бўлган.

Суғурта мустақил иқтисодий категория сифатида пул муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутди. У молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан чамбарчас боғлиқдир. Молия ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида вужудга келадиган мақсадли пул фондларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини ифодаласа, кредит – аҳоли, корхона ва ташкилотлар ихтиёридаги вақтинча бўш турган маблағларни жалб этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари йиғиндисидир. Суғурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий, стихияли ҳодисалар рўй бериши натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш билан боғлиқ мақсадли пул фондларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йиғиндисидир.

2002 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида шундай дейилади: “Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”

Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган энг йирик суғурта ташкилотлари сифатида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-аксиядорлик суғурта компанияларини, “Мадад” суғурта Агентлигини келтириш мумкин. Мамлакатимизда хорижий капитал иштирокидаги суғурта ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатаёпти. “ЎзАИГ” ўзбек-америка суғурта компанияси, “АЛСКОМ” Ўзбекистон-Россия суғурта компанияларини хорижий капитал иштирокидаги суғурта компаниялари сифатида қайд этиш мумкин.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Суғурта;
2. Солиқ;
3. Молия;
4. Факултет;
5. Ихтисослик;
6. Кафедра;
7. Кадр;
8. Мутахассислик.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:**

1. Тошкент Молия институти қачон ташкил топган?
2. Нечанчи йил Тошкент Молия институти Тошкент халқ хўжалиги институтига айлантирилди?
3. Дастлаб институтда неча кафедра иш юритган?
4. Мустақиллик йилларида Тошкент Молия институти фаолияти
5. 1935 йили Тошкент Молия институти неча киши тамомлади?
6. Институтда фанлар неча йўналишда ўқитилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

Асосий адабиётлар: 1,2,6,7,8, 9, 11, 12, 24,25.

Қўшимча адабиётлар: 32,33,34,35,40.

#### **4-мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитишда янги педагогик технологияларнинг тугган ўрни ва аҳамияти (2 соат)**

### **1. Билимларнинг кўникма ва малакаларга айланиш технологияси**

Даврнинг долзарб муаммоларидан бири-талабаларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларда муҳим касбий билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишдан иборат.

Билим, кўникма ва малакаларни егаллаш таълим жараёни негизини характерлаб, унинг асоси, муҳим шарт сифатида юзага чиқади. Шунга кўра педагогика назарияси ва амалиётида ушбу тушунчалар фундаментал аҳамиятга ега. Билим, кўникма ва малакаларнинг мазмуни ҳамда уларнинг шаклланиш жиҳатлари психология, дидактика, хусусий методика ва амалий машғулотларга оид адабиётларда назарий жиҳатдан асослаб берилган. Бу тушунчаларга аниқ таъриф берилганига қарамай, мазкур тушунчалар янада чуқур ўрганиш ва назарий жиҳатдан ҳар томонлама асосланишга муҳтож.

Билимлар қотиб қолган ўзгармас ҳодиса эмас. Жамият ҳаётининг тарихий тараққиёти давомида билимлар ҳам узлуксиз аниқланиб, ривожланиб, чуқурлашиб ва баъзан жиддий ўзгаришларга учраб, такомиллашиб боради. Педагогика назариясида билимларга хос бўлган ушбу омилни ҳисобга олгандагина таълим мазмунининг илмийлиги таъминланади.

Ўқув предмети доирасида тақдим етиладиган билимларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) мувофиқ тарздаги фан асосларини ифодаловчи илмий билимлар;

б) долзарблик ва турғунлик жиҳатига кўра ўзгарувчан бўлган ахборотлар кўринишидаги илмий маълумотлар.

Илмий маълумотлар одатда назарияларнинг маҳсули сифатида юзага келади. Бу билимларнинг мунтазам жамланиши ҳозирги фаннинг муайян ҳолатини ифодаловчи дедуктив тизимидаги ахборотлар ҳажмини ортиб боришига олиб келади, лекин мазкур фан негизини ташкил қилувчи билимлар тизимида ҳеч қандай ўзгартириш киритмайди. Бу ҳолда янги маълумотларнинг фақат бир қисмигина илмий назариянинг асосий ҳолатларини ўзгартириб бориш учун хизмат қилади. Бундай ҳолда билимлар қанчалик умумлашган бўлса, улар шунчалик турғун характерга ега бўлади.

Табиийки, ўқитувчи талабалар билиш фаолиятини бошқариш жараёнида уларга маълум бир фанга оид фундаментал билимлар билан бир қаторда шу билимларни бойитувчи, улар орасидаги турли алоқадорлик ва муносабатларни намоиш қилувчи, жамият ва шахснинг мунтазам ортиб боровчи еҳтиёжларини, ҳаётдаги мавжуд муаммоларни ифодаловчи жорий ахборотларни ҳам бериб бориши лозим.

Билимлар ўрганилаётган асосий жиҳатларни мантиқий кетма-кетликда қамраб олиши, ўзаро боғлиқ бўлиши ва ҳар бир ўрганилаётган тушунчадаги



барча аҳамиятли жиҳатларни очиб бериши, яъни, изчил бўлиши лозим. Ўзлаштириладиган билимларнинг асосий сифати - уларнинг англандлик, тушунилганлик даражасида ифодаланади. Улар талабанинг буюм ва ҳодисаларни нафақат тавсифлаб бера олиши, балки ўрганилаётган далилларни асослаб хулосалар чиқара олишида намоён бўлади. Шунингдек, билимлар ўрганилаётган буюм, ҳодисалар мазмуни ва қараш кўламининг кенглигига хизмат қилувчи мукамалликка ега бўлиши лозим.

Ўзлаштириладиган билимлар - ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар учун асос бўлиб хизмат қилади. Кўникма ва малакаларнинг мазмуни ва ўзаро нисбати ҳақида бир қанча қарашлар мавжуд.

Дидактикада мавжуд бўлган анъанавий нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, кўникма малакадан олдин ҳосил бўлади, машқлар бажариш натижасида кўникма малакага айланади.

Кўникма-ҳаракатларни самарали бажариш имкониятидир; кўникма-маълум даражада ўйлаб бажариладиган ҳаракатлар мажмуидир; кўникмалар-қандайдир ҳаракатни янги шароитларда бажаришнинг усулидир; кўникма-мураккаб тизимли психик ва амалий ҳаракатларга ега бўлиш демакдир». «Кўникма бу ҳаракатдаги билим» ҳисобланади.

Малакани қуйидагича таърифлаймиз: "Малака-юқори ўзлаштирилганлик даражасига ега бўлган ҳаракатлар йиғиндиси; малака-машқлар натижасида мустаҳкамланган ҳаракат усулидир; малака-билим ва кўникмалар заминида шаклланади».

Юқоридаги мулоҳазалардан аён бўлиб турибдики, кўникма ва малака тушунчаларининг мазмун ва моҳияти хусусида турли фикрлар мавжуд.

Чунончи, талабаларда умуммеҳнат ва касбий малакалар қуйидаги босқичларда шакллантирилади:

Биринчи босқич - малакани шакллантиришнинг дастлабки босқичида талабаларга ўзлаштиришлари лозим бўлган ҳаракатни бажариш тартиби тушунтирилади. Ҳаракатни бажариш усулини билиш уни тўлақонли бажаришни таъминлай олмаса-да, малаканинг шаклланиши учун зарур омил бўлади. Талабада ҳаракатлар билан танишиш уни ўрганишга қадар, яъни, малака шакллангунга қадар амалга ошади. Лекин ҳаракат вазифаси билан юзаки танишиш ва уни тавсифлаш малака шаклланиши учун етарли емас, ҳаракатлар бажарилишини ўқитувчи раҳбарлигида чуқур ва мустаҳкам ўзлаштириш лозим. Ҳаракатларни бажаришга ўрганишнинг дастлабки босқичларида педагогнинг вазифаси ҳаракат тартибини тушунтириш, уларнинг амалий аҳамиятини кўрсатиш, талабалар билимларини чуқурлаштириш ва тизимлаштириш билан, бошқача қилиб айтганда, унга машқлар тавсифи ва мақсади, қандай ўзлаштириш кераклиги тўғрисида аниқ билимлар бериш билан белгиланади.

Иккинчи босқич - малакалар шаклланиши асосини ташкил етувчи қоидаларни шакллантириш ва билимларни ўзлаштириш, қайта тиклаш босқичи ҳисобланади.

Учинчи босқич - навбатдаги машқларни бажариш жараёнида турғунлашиб қолиши мумкин бўлган ҳаракатлар, бошланғич хатоликларни бартараф қилувчи

намуналарни намоёиш қилиш босқичидир. Ўқитувчи у ёки бу ҳаракатларни қандай амалга ошириш лозимлиги, иш жараёнида талаба дуч келадиган қийинчиликларни кўрсатиб беради.

Тўртинчи босқич - ҳаракатни амалий ўзгартириш, малакани шакллантириш билан белгиланади. Малаканинг шаклланиши ҳаракатни бажариш усулини такомиллаштиришга қаратилган машқлар жараёнида амалга ошади. Бунда талаба англаган ҳолда қоидалардан фойдалана бошлайди. Бу ўринда ҳаракатларни таҳлил қилиш, хатоларни ўрганиш ва уларни олдини олиш муҳим аҳамиятга ега бўлади.

Бешинчи босқич - мустақил ва тизимли бажариладиган машқлардан иборат бўлади. Бу машқларда мураккабликни ошиб бориши билан биргаликда уларнинг хилма-хиллигига еътибор берилади, шунга мувофиқ фаолият қизиқарли ва кўпчилик ҳолларда ижодий тавсифга ега бўлади.

Малакалар шаклланишида машқларни вақт бўйича тақсимлаш муҳим аҳамиятга ега бўлади. Узоқ вақт давомида узлуксиз бажариладиган машқлар натижаси толиқиш туфайли кутилган самарани бера олмайди. Бундан келиб чиқадики, машқларни бошқа турдаги фаолият ёки дам олиш билан алмаштириб олиб бориш лозим.

Машқлар самарадорлигига улар орасидаги танаффуслар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Жуда чўзилиб кетадиган танаффуслар машқлар натижасини ёмонлаштиради ва уларга сарфланадиган вақт ҳажмини кўпайтиради. Психологик тадқиқотларни кўрсатишича, машқларни қуйидагича тақсимлаш энг қулай ҳисобланади: таълим бошида тез-тез такрорлаш ва аста-секин улар оралиғини ошириб бориш.

Малакаларнинг шаклланиб бориш даражасини ҳаракатларни бажариш тезлиги ва аниқлигига кўра билиш мумкин. Бундан ташқари, ҳаракат натижалари турғунлиги ҳам аҳамиятли омил ҳисобланади. Юқори даражада шаклланган малакалар ҳаракатларни бажаришдаги алоҳида муваффақиятлар билан емас, балки давомли равишда юқори натижаларга еришиб бориш билан белгиланади. Агар ҳаракатларни бажаришнинг яхши натижалари уни янги, янада мураккаб ҳаракатлар тизимига киритилишидан сақланса, бу тўлақонли шаклланган малакадан далолат беради ва унинг шаклланганлигининг яна бир муҳим мезони ҳисобланади.

Машқлар давомида малакалар мослашувчанликка ега бўла боради, яъни, ҳаракатни бажариш ҳолатларига кўра мос услубларни танлаш қобилияти ҳосил бўлади. Ўқув устахоналарида талабалар керакли малакаларни ривожлантириш ва ўрганувчи машқларни бажаришга деярли вақти бўлмайди.

Муайян меҳнат тури шунингдек, ҳар бир касбга ўзига хос кўникма ва малакалар мос келади. Аниқ меҳнат турларининг сони жуда кўп бўлганлиги сабабли олийгоҳлар талабаларини барча турдаги касбий кўникма ва малакалар билан қуроллантиришга қодир емас. Бунинг учун зарурият ҳам йўқ. Малакалар кўчиш хусусиятига ега. Ушбу хусусият бир фаолият турида ўзлаштиришни бир мунча осонлаштиради Шу сабабли, талабаларни энг умумий ва типик фаолият турига оид кўникма ва малакалар билан қуроллантириш лозим.

Малакаларнинг кўчишида уларни ўзлаштиришнинг моҳиятини англашнинг муҳим аҳамият касб этади. Маълум бир малакани ўзлаштиришда талаба нафақат мос ҳаракатларни, балки уни муваффақиятга олиб келувчи усул ва йўлларни ҳам ўзлаштиради. Кейинги фаолиятида унинг илгариги тажрибаларидан фойдаланиши, йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик ва бунинг натижасида янги малакаларни ўзлаштириши осонлашади.

Ўқув-тарбиявий жараёни таълим назарияси фаолияти нуқтаи назаридан қараб чиқиб, халқ таълими соҳасидаги барча таълим-тарбия ишларини педагогик технология йўналишига ўтказиш, мактаб амалиётидаги ихтиёрийликдан унинг ҳар бир жиҳатини жиддий асослашни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида суғурта ва иқтисодий йўналишдаги таълим муассасаларнинг таълим тизимида, педагогик технологияни амалга оширишнинг умумлашган схемасини келтирамиз. Тажриба ишларини амалга оширишда ундан услубий асос сифатида фойдаланилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- умуммеҳнат ва касбий малакаларни ривожлантиришда ўқитиш воситаларини қўллашга оид таълим мазмунини ишлаб чиқиш;
- талабаларнинг истиқбол фаолиятини таҳлил қилиш, меҳнат таълими жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган мақсад ва вазифаларни белгилаш;
- олий ўқув юртлири ўқув дастурларида талабалар томонидан ЎТВларидан фойдаланиш технологиясини ўзлаштиришлари учун вақтнинг ўрнини белгилаш;
- талабаларда кўникма ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган машқлар тизимини ишлаб чиқиш;
- талабалар билим, кўникма ва малакаларининг сифатини назорат қилиш билан боғлиқ объектив назоратни ташкил этиш ва тестлар тизимини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилган педагогик технологияни амалда синаш ва уни ўқув жараёнига тадбиқ этиш.

## **2. Иқтисодий фанларни ўқитишда аниқ муаммоли вазият (сасе метҳод) усулидан фойдаланишнинг устивор жиҳатлари**

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос етиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Дастур мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда таълим жараёнида жаҳонда тўпланган бой тажрибалардан кенг ва самарали фойдаланишга алоҳида еътибор қаратилмоқда. Ўқитишнинг аниқ муаммоли вазиятлар (Сасе метҳод) усули шундай самарали усуллардан биридир.

Иқтисодий фанларни ўқитишда аниқ муаммоли вазиятлар (Сасе метҳод) усулидан фойдаланиш қуйидагиларни таъмин этади:

- ўқувчиларга билим, тажриба ва кузатувлар нуқтаи назаридан муаммо ечимига турлича ёндашувлар билан танишиш имкониятини беради;
- кўплаб ечимлар қабул қилиш имконини беради;
- ўқувчиларни ҳаракат қилишга ўргатади (бошқарув бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилади);
- бошқарув ишига ўзини тайёрлаётганларга ўз фикрларини қатъий ҳимоялашни ўргатади;
- ўз ечим ва тавсияларини "миқдор" ва "сифат" жиҳатдан асослаш жараёнида кўникмалар ва таҳлил етиш имкониятларини ривожлантиришга кўмаклашади;
- ҳамкасблари олдида ўз хулоса ва далилларини ҳимоялашга мажбур этади;
- бошқарувда содир бўладиган жараёнларни яхши тушунишга имкон беради;
- мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради;
- тўғри ечимлар қабул қилиш га ўргатади;
- шахслар ва гуруҳлараро самарали коммуникасияни таъмин этади;
- қабул қилинган ечимлар учун маъсулиятни ўз зиммасига ола билишга ўргатади;
- менежерлик хусусиятларини шахсда мужассамлаштиради;
- тўғри савол беришга ўргатиб боради.

Муаммонинг ягона ечими йўқлиги ва унинг бошқа муқобил вариантлари ҳам мавжудлигига ўргатиб боради.

Иқтисодий фанларни ўқитишда аниқ муаммоли вазиятлар усулидан фойдаланишдан асосий мақсад- талабаларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлайди, ҳар бир талабага амалий ва касбий таълим берилишини таъмин этади.

Муаммоли аниқ вазият усули (Сасе стадй) - бу раҳбар ёки раҳбарлар гуруҳи дуч келган, унинг ривожланиш ва вужудга келиш тарихини ўз ичига қамраб олган бирор бир аниқ ҳолатни ўрганиш ва таҳлил етиш ва шу орқали унинг мумкин бўлган муқобил ечимларини излаб топишдир. Қуйида

Ўқитишнинг маърузали усули билан аниқ муаммоли вазиятлар усули ўртасидаги асосий фарқловчи хусусиятлар келтириб ўтилади:

Фарқловчи кўрсаткичлар	Ўқитиш усуллари	
	Маъруза	Муаммоли аниқ вазият усули
Мақсад	Билим бериш	-Фикрлашни; -Муаммони ҳал этиш кўникмаларини; -Кашфиётларга интилиш, ҳамкорликка тайёр бўлиш сифатларини ривожлантириш
Ўқитувчи вазифаси	Ўз фанининг мазмунини билиш	-ўз фанининг мазмунини билиш. -Муҳокама жараёнини бошқара билиш.
"Ўқитувчи-ўқувчи" муносабатлари	Ўқитувчининг ўқувчи устидан ҳукмронлиги Иерархия ҳуқуқларнинг тенг эмаслиги	-Шериклик  -ҳамкорлик
Талабаларнинг ўзини-ўзи ўқитиш жараёнида иштироки	Суст	Фаол (талабалар ўқитувчининг вазифаси ҳисобланувчи муҳокама режасини тузиш, асосий мавзуни аниқлаш каби вазифаларни ўзлари мустақил ҳал этишга қодир бўладилар)
Маъсулият	Маъсулият тўла маърузачининг зиммасида	Кўпроқ маъсулият тингловчилар зиммасида
Тадқиқотлар кўлами	Фан доирасида	Фан доираси ҳар бир талабанинг интеллект, интилиш каби сифат хусусиятлари
Вақт сарфи	Нисбатан кам	Йетарлича кўп
Ўрганиш даражаси	Ахборот қабул қилиш учун қониқарли	Таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган. Ўрганиш даражаси бир хил эмас

Таълим жараёнида назарий билимларнинг амалиёт билан қўшиб берилиши муҳим муаммолардан бири бўлиб қолаётган бир пайтда, ўқитишнинг ушбу усулидан таълим жараёнида фойдаланиш мавжуд муаммонинг маълум даражада ечим топишигига имкон яратади.

### **3. Иқтисодий таълим жараёнида ахборот технологияларининг ташкилий-бошқарув моделлари**

Талабаларга иқтисодий таълимларни бериш педагогик фаолиятда компьютерни муқобил тузилмавийлаштирилган ва кириш нисбатан осон бўлган ахборотлар омбори сифатидаги тутган ўрни талабаларни билим олишларида катта ҳажмдаги тактик материалларни еслаб қолишдан озод қилиб, бу жараёнда талабалар фаолиятини амалий ва ўқув масалаларини ечиш учун зарурий ахборотларни излашни амалга ошириш ва бу ахборотлар асосида билимларини чуқурлаштириш, уларда реал шароитларда қарор қабул қила олиш кўникмаларини ривожлантиришга мақсадли йўналтириб, енг муҳими, молиявий масалаларни ечишда айнан қандай ахборотларни зарурлигини аниқлашни билиш, яъни компьютер ва талаба ўртасида билимларни тақсимлаш, талабада эксперт сифатини шакллантириш масаласи туради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бизнинг фикримизча, суғурта тизими учун йетук мутахассисларни тайёрлашда ўқув жараёнларида ахборот технологияларидан фойдаланиш тўғридан-тўғри олий ўқув юрти олдида турган стратегик мақсадларга боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим, яъни нафақат ижрочи мутахассисларни тайёрлаш, балки касбий фаолиятни ўзгариб турувчи шароитларида молия соҳасидаги ўзгарувчан ностандарт масалаларни ечишда доимий равишда ўз-ўзини такомиллаштиришга қобилиятли, ижодий ривожланган жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган йетук мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир.

Айтилганлардан келиб чиқиб, олий ўқув юртларида иқтисодий таълим бериш ахборот технологияларини қуришни қуйидаги таркибдаги ташкилий-бошқарув моделини шакллантириш мумкин: (чизмага қаралсин)


Моделда асосий база сифатида мутахассис норматив-функционал модели ётади. Норматив-функционал моделнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унда ЎЗР ОЎМТВнинг ОЎЮ битирувчисига қўядиган стандарт талабларни еътиборга олиш билан бирга ТБАТ таркибида кўрсатилган моделларни бўлиши ҳар қандай таълим ахборот технологияларини лойиҳалаштириш олдида турган бир қатор саволларга жавоб топишга имкон беради.

Ташкилий-бошқарув модели норматив-функционал таркиб билан биргаликда тузилмавий жиҳатдан ўқув фани модели, таълим олувчи модели, таълим берувчи модели ва дарс жараёнини бошқариш каби дидактик моделларни ўз ичига олади.

Ўқув фани модели (нимага ўргатиш?) ўз ичига ўқитиш мақсади, билимлар, кўникмалар, касбий йўналтирилган тизим хусусиятлари, предмет соҳани ўрганиш чуқурлиги ва даражаси, ахборот ҳажми ва дидактик талаблар: мазмунни илмийлиги, тизимлилиги, таълимни узлуксизлиги ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Таълим жараёнини бошқариш модели (қандай ўқитиш керак?) таълим бериш ахборот технологияларини таркибига кирувчи педагогик дастурий маҳсулотни сценарийлари хусусиятларини еътиборга олади.

Таълим олувчи модели (кимни ўқитиш?) таълим олувчини шахсий, психофизиологик ва ижтимоий-психологик сифатларини, уларни компютерлар ва ахборот воситалари билан ишлашга тайёргарлигини, базавий ва жорий билимлари даражасини еътиборга олиш ва таҳлил қилишга имкон берувчи талабанинг аниқ шахс сифатларини шакллантириш жараёнларини ўз ичига олади.



Таълим берувчи (ким ўқитиши?) модели - ўқитувчининг шахсий сифатлари - педагогик маҳорати, предмет соҳаси билимларининг чуқурлиги, таълим беришнинг замонавий усуллари ва услубларига егаллиги ва бошқаларни еътиборга олади.

Ёритилган моделга мос ҳолда ишлаб чиқиладиган ТБАТ қуйидагиларга имкон беради:

- ўрганилаётган мавзунини ўзлаштирилиш сифатини оширади ва талаба билимлари даражасини еътиборга олган ҳолда қўшимча талаблар қўйишга имкон беради;
- лаборатория ишлари натижаларига ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш муддатини бир неча марта қисқартириб талабаларни мустақил фикрлашга чорлайди ва уларда зарур шароитларда қарор қабул қилиш кўникмаларини ҳосил қилади;
- талабаларни билим ва кўникмаларига ега бўлиш жараёнларини оператив назорат қилишни, ҳар бир талаба ва бутунлай гуруҳни ўзлаштириш статистика ва диагностикасини юритишни амалга оширади, бу еса талаба билимларини етарлича объектив баҳолашни амалга оширишга ёрдам беради;

- ўқитувчига алоҳида талаба ёки бутунлай гуруҳнинг билим даражасини назорат қилиши ва талабалар тўғрисидаги аниқ ахборотлар билан таъминланишига имкон беради.

**Таянч сўз ва иборалар:**

1. Модел;
2. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур;
3. Ўқув жараёни;
4. Ахборот технологиялари;
5. Умумқасбий малака;
6. Иқтисодий таълим.

**Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:**

1. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурида янги педагогик технологияларни қўллаш ҳақида.
2. Янги педагогик технологияларнинг турлари ва шакллари.
3. Мутахассислик фанлари ўқитишда янги педагогик технологияларни тутган ўрни ва аҳамияти.

**Фойдаланилган адабиётлар**

Асосий адабиётлар: 1,2,6,7,8, 9, 11, 22, 28,30.

Қўшимча адабиётлар: 34,38,39,42,43.



## **5-мавзу: Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнининг илмий асослари (2 соат)**

### **1. Ўқув жараёнининг илмий асосда ташкил қилинган йўналишлари**

Умум таълим мактабларида ўқув маълумотларининг асосий тури дарс бўлса, институтда ўқув машғулотларининг бир неча шаклларидан фойдаланилади.

Ўқув жараёнининг илмий асосда ташкил қилиш учун қуйидаги йўналишларда тадбирий ишлар олиб борилади:

- 1) маърузалар;
- 2) семинар машғулотлари;
- 3) амалий машғулотлар;
- 4) лаборатория машғулотлари;
- 5) давра суҳбатлари ва конференциялар;
- 6) маслахатлар;
- 7) малакавий амалиёт;
- 8) курс ишлари;
- 9) битирув малакавий ишлари;
- 10) рефератлар;
- 11) коллоквиум;
- 12) илмий семинар;

Бу ўқув машғулотлари талабадан ўзига хос методик ёндашувни, юксак савияда тайёргарликни, фаоллик ва уюшқоқликни талаб қилади.

Биз кўрсатилган йўналишларнинг айримлари ҳақида қисқа маълумотлар берамиз. Бу маълумотлар ва тавсиялардан фойдаланиш талабалар учун муҳим аҳамиятга егадир. Лекин малакавий амалиёт, курс ишлари, битирув малакавий ишлари ҳақида кейинги мавзулар таркибида тушунтириб ўтамиз.

## 2. Маъруза машғулотларига тайёргарлик кўриш

Тушунтиришни маъруза ҳақидаги фикрларни умумлаштиришдан бошлаймиз.

Институтларда ўқитишнинг турли шакллари орасида маъруза йетакчи ўрин егаллайди. Маърузага келган талаба бошқа нарсаларга диққат бермасдан маърузани бир сўзини ҳам қолдирмасдан ешитишга ҳаракат қилиши керак. Маъруза барча ўқув жараёнининг 40-45 фоизини ташкил қилади. Маърузага келаётган талаба тегишли дафтар, қалам, баъзан, ён дафтар олиб келиши керак. У маърузада тушунмаган нарсаларни дафтарга, асосан маърузани ешитиш ва унинг асосий мазмунини ёзиб бориши керак. Маъруза давомида ўзаро гаплашиш, гап узатиш тақиқланади. Агар талаба маърузага қадар ўқиладиган мавзу билан танишса маърузани ешитишга замин ҳосил қилади. Маъруза материалларидан семинарга таёрланишда фойдаланилади. Маъруза талабанинг барча ишларининг кўламини белгилаб беради.

Маъруза талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини: илмий қараш, билим асосларини егаллашларига ёндашувни шакллантириши керак.

Ҳар бир маъруза талабага нималарни билиб олишни, қандай адабиётлар ва биринчи манбаларни ўқишни ва конспект олишни белгилаб беради. Талаба маърузани тинглаш билан бирга ёзиб боришни ҳам билиши лозим. Баъзи талабалар маърузани сўзма-сўз ёзишга ҳаракат қилиши, аслида маърузани мазмуни ўз сўзи билан ёзиб олиши тавсия қилинади. Бунда талаба ҳар бир маърузани ҳам тинглаб ва айни вақтда ёзиб беришга одатланиши керак. Қисқартириб ёзишни ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга ега. Шу билан бирга бир масаладан иккинчи масалага ўтганда, икки масалани чегарасини белгилаш керак.

Олий мактабда маърузанинг бир қанча турларидан фойдаланилади. Булардан энг кўп қўлланиладиган маъруза ўқув дастури асосида ўқиладиган маъруза ёки академик маъруза деб аталади. Бундан ташқари маъруза суҳбат, ҳикоя, маъруза мунозара ва бошқа маъруза хиллари бор. Маърузалардан докладларни фарқ қилиш керак. Докладлар бир мавзуга бағишланган бўлиб, кўпроқ мажлисларда, сессияларда ташкил қилинади. Маърузаларни ешитувчиларга бориб йетишида лекторнинг маҳорати ва бир минутда сўзлаш тезлиги ҳам алоҳида аҳамиятга ега. Маъруза паст суръат билан ўқилса, маърузада бир минутда 40-50, ўртача ҳолатда 60-80, юқори даражада 110 сўз бўлиши мумкин. Мазмун жиҳатидан маъруза адабиётлардаги масалаларни умумлаштириш, такрорлаш билан чегараланмасдан, балки ҳали йетарли маълум бўлмаган масалаларни кўрсатиб чиқиши керак. Бундан ташқари маърузада схема, жадваллар, макетлар, харита ва бошқа кўрғазмали қуроллардан фойдаланиш тавсия қилинади. Талабалар биринчи курсдан маърузаларининг моҳияти, аҳамиятини, танланган ихтисоси бўйича билимларини егаллаш, ўзида мустақил дунё қарашни шакллантиришга аҳамият бериши керак.

Ҳар бир талаба маърузани яхши ўзлаштириб олиши учун куйидаги босқичларга риоя қилиши лозим:

- 1) маърузани тинглашга тайёргарлик кўриш;
- 2) маърузани диққат билан тинглаш;
- 3) ёзиб олишга ҳаракат қилиш;
- 4) ёзиб олинган текстни ўрганиш ва қайта ишлаб чиқиш;
- 5) маърузани тинглаш жараёнида мустақил фикрини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериши керак.

Лекин айрим талабалар лектор айтган айрим масалаларни ёзиб олиш қобилиятига ега емаслар. Шу сабабдан айрим мулоҳазаларни олдин тушуниб олиб кейин ёзиб олишлари керак. Бунда айрим сўзларни қисқартиришга тўғри келади. Шундай қилиб, ўқитувчи ўз маърузасини бошламасдан олдин янги маърузани режаси билан таништиради, маъруза режасида 3-5 та масала кўйилиши мумкин. Биринчи масалани тушунтириб бўлгандан кейин иккинчи масалага ўтилади. Агар ўтган маърузада баъзи масалалар ёритилмай қолган, вақт йетишмай олдин ёритилмай қолган масала ёритилиб, кейин янги мавзу бошлаймиз деб янги мавзунини номи ва унинг режаси билан талабаларни таништиради. Биринчи масалани тушунтиришни бошлайди.

Маъруза тўғрисидаги фикрларни умумлаштирадиган еканмиз куйидаги хулосаларга алоҳида аҳамият бериш керак:

- 1) маъруза талабанинг барча ишлари кўламини белгилаб беради. Семинарлар ўқув машғулотларининг барча хиллари маъруза материалларини ўзлаштириш билан белгиланган;
- 2) маърузалар ўқув режасига кирган фанларнинг чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Талаба маъруза орқали айрим фанларни бир-бири билан боғлиқлигига алоҳида ётибор беради, талабанинг фанга қизиқиши ортади;
- 3) маърузалар талабаларнинг мустақил фикр юритиш элементларини егаллашга ёрдам беради;
- 4) маъруза ҳали матбуотда ёритилмаган ва кўпчиликка йетарли маълум бўлмаган янгиликлар билан танишиш ва бу янгиликларни фикрлаш таъсир кўсатади;
- 5) маъруза мустақил ишлашнинг ҳар бир мавзу бўйича йўналишини белгилаб беришга ёрдам беради;
- 6) маърузани тарбиявий аҳамияти катта. Талабалар маъруза орқали ўзларидаги камчиликларни сезиб уларни тугатиш тўғрисида фикр юрита бошлайдилар.

Талабалар барча маърузаларга қатнашишлари лозим, чунки яхши маъруза ишнинг ярмиси бўлиб, унинг материалларини ўзлаштириш талабанинг мустақил ишлашига боғлиқ. Кўп йиллик тажрибалар шунини кўрсатадики, айрим толиблар маърузани стенографисткага ўхшаб ҳаммасини ёзишга ҳаракат қиладилар, лекин ўзлари ёзган фикрларни тушунмайдилар. Демак, маърузани ёзганда унинг мазмунини тушуниб қисқартириб ёзиш керак.

Маъруза кўп қиррали жараён бўлганлиги учун бир мавзунини тушунтиришда унинг барча қирраларини қамраб олиш мумкин емас. Маърузада маҳаллий

материаллардан фойдаланиш, мисол келтиришни фойдали эканлигини кўрсатиб ўтамиз.

Бундан ташқари маърузада фойдаланилган адабиётлар рўйхатига аҳамият бериб, ундан самарали фойдаланиш керак.

Шундай қилиб, маъруза давомида лекторнинг тушунтиришидаги фикрлаш изчиллигига аҳамият бериб, маърузани сифат жиҳатидан такомиллаштириб боришга аҳамият бериш керак.

Шундай қилиб, маъруза давомида талабалар билан лектор ўртасида ижобий муносабат шаклланишига аҳамият бериш керак, маъруза давомида талабанинг билим элементларини жамғаришга қизиқиши ортишли лозим.

### **3. Семинар машғулоти, маслаҳатлар, амалий машғулоти, илмий семинарлар ва коллоквиум ўтказиш**

#### ***СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ***

Семинар маърузада баён қилинган материалларни талабалар томонидан қандай ўзлаштирилаётганини текшириб кўриш мақсадида ўтказилади. Айни вақтда мустақил ишлашни таркибий қисми ҳисобланади. Семинарда маъруза материаллари умумлаштирилади, чуқурлаштирилади. Семинар машғулоти маълум мавзуга бағишланиб, дастлаб унинг мазмуни ёллон қилинади. Шу билан бирга семинар мустақил фикрлашнинг усуллардан бири. Унинг ўтказиладиган вақти олдиндан хабар қилинади.

Институтда ўқитиладиган ижтимоий фанлар бўйича Ўзбекистон тарихи, иқтисодий назария, сиёсацхунослик ва бошқа фанлардан семинар ўтказилади.

Семинар машғулоти икки хил йўл билан ташкил қилинади.

Олдиндан тарқатиладиган саволларни муҳокама. Бу семинарда баҳслашув қизғин ташкил қилинади ва баҳс иштирокчиларига ўқитувчи баҳс қўйиши мумкин.

3-4 та масала муҳокама қилинади. Бунда ҳар бир масала муҳокама қилиниб, хулосалар чиқарилади.

Семинарнинг иккинчи айрим хилидаги талабларга маъруза учун мавзу берилиб, уни талабалар муҳокама қиладилар.

Семинарга тайёрланишнинг асосий шарт тавсия қилинган материал ларни ўрганиб чиқиш конспектлаштиришдир. Семинарда муҳокама қилинган маърузалар бўйича ўзаро фикр алмашиш давом этади. Семинар охирида ўқитувчи тегишли хулоса чиқаради, яхши маърузаларни иёбий томонлари кўрсатилиб, айрим йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилади.

Агар семинар мавзусига доир барча материаллар тўла қамраб олинмаган бўлса, у ҳолда маърузачига қайта ишлаш тавсия етилади. Шундан кейин ўқитувчи навбатдаги семинар мавзусини ёллон қилиб талабаларга ушбу мавзу бўйича ҳам тайёргарлик кўриб келишларини тайинлайди.

#### ***МАСЛАҲАТЛАР***

Маслаҳатлар кўпинча маълум курс материаллари ўтиб бўлингач, ундан олинладиган синов ва имтиҳонлардан ёки ўзлаштирмаган талабалар билан якка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб ўтказилади. Ўқитувчи талабаларни тушунмаган саволларига жавоб беради. Бундан ташқари талабалар айрим масалаларни еча олмаганларида мутахассислардан ёрдам сўраб мурожат қилишлари мумкин.

#### ***КОЛЛОКВИУМЛАР***

Коллоквиумда фаннинг бир бўлими бўлганда, шу бўлим масалалари талабалар томонидан қандай ўзлаштирилгани синаб кўрилади. Унда ўқитувчи талабаларга вазифалар беради. Талабалар саволларга бирин-кетин жавоб берадилар. Жавоблар ўқитувчи томонидан умумлаштириб, коллоквиумда актив иштирок етганлар рағбатлантирилади. Вақт етишмагани учун ўқув жараёнинг бошқа йўналихлари навбатдаги мавзуларда тушунтирилади.

Талабалар мустақил ишлашининг самарадорлиги имтиҳон ва синовларда ўз ифодасини топади.

## **ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Институтда бир йилда 2 марта талаба имтиҳон ўтказилади. Имтиҳон ўқув жараёнининг муҳим қисмидир. Шу билан бирга имтиҳон талабанинг фаолиятида енг жавобгар, қийин босқич бўлиб, бу босқич талабанинг жамият давлат ва ўз дўстлаи олдидаги ҳисоботини ифода қилади. Имтиҳонлар талаба олган билимларнинг мустаҳкам, қийин бўлимларини ўрганишга тайёр бўлганликларини кўрсатади.

Имтиҳонларнинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, имтиҳон ҳар бир фан бўйича талабада йетарли тасаввурга ега бўлишга ёрдам беради. Имтиҳонга тайёргарлик жараёнида талаба ўқитилаётган фан бўйича ўзидаги камчиликларни билиб олади ва уларни тугатишга ҳаракат қилади. Ўз хотирасида айрим муҳим қоидаларни тиклашга ҳаракат қилади. Қонунларни ва категорияларни чуқур тушуниб олишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга имтиҳонлар ҳар бир талабада жавобгарлик ҳиссини кучайтиришга ёрдам беради. Имтиҳон жараёнини талаба фақат баҳо олиш учун ўқимасдан, балки, институтни тамомлагандан кейин ҳаёт томонидан олдинга сурилган талабларга қай даражада жавоб беришини англай бошлайди. Имтиҳонларда юқори баҳоларга еришиш учун нима қилиш керак?

Бунинг учун семестр давомида ҳаракат қилиши керак. Имтиҳонда юқори натижаларга еришиш учун синовларга пухта тайёрланиш талаб қилинади. Талаба барча синовлардан муваффақиятли ўтгандан кейин у имтиҳонга қўйилади.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Маслаҳат;
2. Семинар машғулоти;
3. Маъруза;
4. Коллоквиум;
5. Амалий иш ўйинлари;
6. Илмий семинар.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:**

1. Китоб устида ишлаш методикасини айтиб беринг.
2. Кутубхонада китоблар нима асосида танланади?
3. Каталог нима?
4. Реферат қандай тайёрланади?
5. Тезис нима?
6. Тезис қандай тайёрланади?
7. Конспект нима?
8. Конспект қандай тайёрланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

Асосий адабиётлар: 1,3,26,27,28,29,30.

Қўшимча адабиётлар: 34,39,40,42,43.

## **6-мавзу: Мутахассислик фанларни ўқиш жараёнида китоб устида ишлаш (2 соат)**

### **1. Китоб танлаш одоби**

Китоб ҳар бир инсоннинг дўсти ва маслаҳатчиси, инсон ақлининг чироғидир ва барча билимлар бўйича фикрлаш қуроли, хазиналар калитидир. Шунинг учун ҳам бизда китобга ҳурмат катта. Мамлакатимизда ҳар бир мутахассис буюк китобхон бўлишга интилади.

Буюк китобхон деганда ўқиган ҳар қандай китобини бугунги кун билан боғлай оладиган кишидир. Буюк китобхон китобга қараб келажagini кўрсатади. Лекин барча китоблар бир хил мазмунда ва бир хил йўналишда эмас. Шу сабабли барча китобларни 3 гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1. Сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларга бағишланган китоблар;
2. Бадиий адабиёт дурдоналари;
3. Техника масалалари билан боғланган китоблар.

Иқтисодий масалалар билан боғланган китоблар ҳозирда 3 йўналишда бўлади:

1. Давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши ва қонун устуворлиги;
2. Халқ манфаатларга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш;
3. Бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиб бориш масалалари.

Ҳозирда иқтисодиёт билан боғланган китоблар ана шу 3 йўналишларни ифода қилади. Шундай экан, биринчи навбатда ана шу йўналишдаги китобларни устида ишлаш механизми қандай бўлиши ҳақида фикр юритишимиз керак.

Китоб устида ишлаш талабалик йиллари фаолиятида марказий ўринни егаллайди. Бу жиддий, маълумотлар ижодий, ақлий меҳнатдир. Китоб устида ишлаш методикасини билиш муваффақият гаровидир.

Китоб устида ишлашнинг биринчи босқичи керакли китобни танлашдир. Биринчи босқичда китоб муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, китобнинг исми, қай ерда ва қачон нашр қилингани нашриётнинг номи аниқлаб олинади. Демак, ҳар бир китобда кўрсатилган 5 элементга алоҳида еътибор берилади. Лекин айрим ҳолларда баъзи элементларнинг бўлмаслиги ҳам мумкин.

Иккинчи босқичда китоб ҳақидаги қисқача сўз боши, кириш, хулоса, расмлар, диаграммалар, схемалар билан танишиб чиқилади.

Китоб муаллифининг номи ва китобнинг исми алфавит тартибида берилгани учун бу китобларни рўйхатини алфавит рўйхати (каталоги) деб аталади.

Биринчи курс талабаларига ўқитиладиган ҳар бир фан юзасидан ўқув дастурида кўрсатиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати, шунингдек ўқитувчининг ўз асарларни номи кўрсатилиб, улар тавсия қилинади.

Бу босқичда талабани қизиқтираётган адабиётни мустақил равишда топишга одатлантиришга алоҳида аҳамият бериш керак.

Ҳар бир кутубхонада библиография бўлими бор, ана шу библиографиядан топиш йўлини ўрганиб олиш керак.

Алфавит каталогда кутубхонада мавжуд ҳар бир китоб ёки мақола муаллифнинг фамилияси ёзилган карточкалар махсус кутубхонада алфавит бўйича қатъий тартибда жойлаштирилган бўлади. Китоб ёки мақола муаллифи бўлмаса, каталогга китоб ёки мақола номининг биринчи ҳарфи қўйилади.

Алфавит каталогнинг аҳамияти катта. У керакли китобларни кутубхонада бор ёки йўқлигини аниқлаш билан бирга мустақил ишлашга ўргатади, вақтни тежайди. Лозим бўлганда талабага кутубхона ходими ёрдам бериши мумкин.

Систематик каталогда китоблар маълум билимлар бўйича жойлаштирилади. Масалан, Ўзбекистон тарихи, иқтисодий назария ва бошқалар жойлаштирилган бўлади. Систематик каталогда билимлар соҳаси бўйича ҳатто газета ва журналлар осилган мақолаларни қачон ёшон қилинганини топиб олиш мумкин.

Институт кутубхонасида каталогларга қўшимча равишда маълум долзарб масалалар бўйича адабиётлар рўйхати ҳам тузилади. Масалан, суғурта ҳақида маълум йилга маълумотлар керак. Бўлса бу ҳақда берилган мақолалар рўйхати алоҳида тузилиб талабаларга тақдим қилиниши мумкин.

Китоб танлаб олингандан кейин китоб устида ишлашнинг иккинчи босқичи бошланади. Бу босқичда биринчи босқичдаги маълумотларга асосланиб китобни сўз бошиси ўқилиб китоб кимларга мўлжалланганлиги қандай материалларга асосланиб ёзилгани ва бошқалар аниқланади.

Талаба китобнинг мундарижаси билан танишиб боблар, қисмлар, паралар, графаларни номларига ётибор беради ва ўрганиши лозим бўлган мавзуга алоқадорлигини ҳисобга олади. Шундан кейин китобнинг хотима қисми билан танишади ва китобдаги асосий хулосаларни аниқлайди. Китоб ҳақида умумий хулосага келади.

Китобнинг учунчи босқичида китобнинг мутоала қилиш у ўқишга киришишдан бошланади. Бу босқичда талаба китобнинг мазмуни ва баён тартиби билан танишиб олади. Лекин биринчи ўқишда китобнинг тўла мазмун маъносини тушуниб олиш мумкин эмас. Китобдаги асосий мақсади ҳам хотирада қолмаслиги мумкин.

Китобнинг чинакамига ўрганиш ундаги асосий ҳолатларни чуқур англаб тушуниш учун уни такрор-такрор ўқишга тўғри келади. Китобни ўқиш жараёнида янги сўзлар илмий тушунчалар, атамалар учраса уларга аниқлаб олиш зарур.

Бу атамаларни ўзбек енсиклопедияси, рус тили луғати, иқтисодий терминлар луғати, чет тиллар бўйича сўзлар луғати орқали аниқлаб олиш мумкин.

Китобни фаол диққат билан ўқилгандагина пухта билим олиш мумкин. Китобдаги қийин терминларни асосий ғоялари ва қоида таърифларни ёзиб бериш мақсадга мувофиқдир. Материални ёзиб борганда кишининг кўпгина сезги ҳис туйғу органлари ишлайди, ўқилаётган китоб кўпроқ есда сақланиб келади, материал яхшироқ ўзлаштирилади. Бу нутқ маданиятини такомиллаштиришга ёрдам беради.



Китобда ўзлаштириш қийинроқ материал учраб қолса ўша жойнинг қайта-қайта тушуниб олгунча ўқиш лозим. Китоб мазмунини тушуниб олгач, ўз тушунчалари ҳақида ўйлаб кўриш хотирлаб кўришга ҳаракат қилиш керак.

Китобда схемалар, диаграммалар жадваллар, хариталар бўлса уларни диққат билан ўрганиш таҳлил қилишга ҳаракат қилиш керак, улар китоб мазмунини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Китоб устида ишлаш мураккаб жараён. бу тадбирни осонлаштириш учун айрим кишиларни тажрибаларини ўрганиш фойдалидир.

Айрим кишиларни фикрига қараганда китоб устида ишлашда асосан тўртта масалага эътибор бериш керак. Биринчидан, ўқилган материални тушуниб олиш ва ўзлаштиришдир. Иккинчи вазифа ўқиганларни ўйлаб кўришдир. Учунчидан, ўқиганлардан хотира учун зарур бўлган кўчирмалар олишдир. Ниҳоят тўртинчи вазифа бу ўқилган китобдан қандай янгиликлар ўргангани ҳақида ўзига ҳисоб беришдир. Шундай қилиб, китоб ўқишга киришган шахс нималарни ўрганган қандай масалаларга жавоб топгани ҳақида ўзига ҳисоб бериши керак. Агарда бирорта масалага жавоб тополмаган бўлса, у ҳолда бошқа китобга мурожат қилиш лозимлигини кўзда тутуши керак.

## 2. Китобдан фойдаланиш одоби

Айрим китобхонлар китобни баъзи жойларни ўқимасдан ташлаб кетадилар, бу нуқсон китобни ўзлаштиришга ҳалақит беради, айрим фикрларни нотўғри талқин қилишга сабаб бўлади. Бундан ташқари китоб устида ишлаш жараёнида янги сўзлар, терминлар илмий тушунчалар, таърифларни тўла аниқлаб ёзиш керак.

Бундан ташқари китоб ўқиш санъатининг баъзи тажрибалари ҳақида мулоҳаза юритишни лозим деб топамиз.

Биринчидан, китобни тўла тушуниш учун уни қайта-қайта қўлга олишга одатланиш керак. Қисқа муддат ўтгандан кейин китоб яна қайта ўқилса, тажриба шуни кўрсатадики, китобни қайта ўқиганда китобхон биринчи мартаба ўқиганга қараганда кўпроқ нарсани билиб олиши, илгари еътибор бермаган масаларга аҳамият бериши мумкин. Шу ўринда баъзи қўшимча маълумотлар бор:

1. Кўчада кетатуриб китоб ўқиманг, ҳатто енг қизиқ китобларни ҳам тинч жойда ўтириб ўқиган маъқул. Бунда китобни столга қўйиб ўқиш тавсия етилади. Молия институтида Князов деган ўқитувчи бўлган. У кўчада кетатуриб китоб ўқир еди. Бир куни дарсга кийимлари лой ҳолда кириб келган, у йиқилиб тушганда ҳам китобдан кўзини узмаган;
2. Китоб ўқиётганда ёруғлик чап томондан сал-орқарокдан тушиши керак. Стол устидаги лампалар ҳаддан ташқари ёруғ бўлмаслиги керак. Чироқ китобдан 50 см нарига қўйилиши китоб саҳифаларига ёруғлик етарли бўлиши керак;
3. Китобни ётиб ўқиманг. Ёруғлик етарли бўлмаган жойларда, трамвайда, автобусда мутоала қилманг, кўзингизни ишдан чиқарасиз;
4. Сурункасига 2-3 соатдан ортиқ ўқиманг;
5. Овқатланаётган вақтда ўқиманг, ҳаёлингиз бўлиниб ўқиганлигингизни ҳам билмай қоласиз. Махсус дафтар тутиб ўқиган китобларингиздан олган тассуротларингизни ёзиб боринг. Айниқса мақоллар, шеърларни ёзиб боришга одатланинг.

Ўқилган китобларни конспективлаш ёки конспективлаштириш мустақил ишлаш ва таълимнинг шаклларида биридир.

Конспективлаштиришнинг асосий мақсади ўқиган материалларни талабалар томонидан пухта ўзлаштириш, унинг мазмуни билан чуқур танишиш, асарда баён қилинган мустақил ғояни аниқлаш, маърузадаги манбаларда баён қилинган бир-бирига ўхшаш фикрларни таққослаш, умумлаштириш қобилиятини ривожлантиришдир.

Конспект ҳақида умумлаштирган ҳолда тушунтирганда конспект «обзор» деган маънода ишлатилиб, ўқиганларни қисқача мазмунини баён қилиш демакдир. Турли ёзиб борилган фикрлар орқали талаба ўқиган нарсаларининг чуқур мазмунини тушуниб олади. Шу билан бирга ўқиган материални яхшилаб ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Конспект сифатида ёзиш ўқиган нарсаларни тезда тиклашга ёрдам беради. Бундан ташқари ҳар бир конспект тўпланган материалларни ўзлаштиришни тезлаштиради.

Кўпгина талабалар конспект ёзишда материалларни тўғридан тўғри сўзма сўзига кўчириб ёзадилар. Бу мутлақо нотўғридир. Кўчириб ёзганда материални мазмуни унинг моҳияти тўғрисида мутлақо фикр юритмайди, энг асосий ғояларга еътибор бермайди, фикрлар, рақамларни еса сақлаб қолмайди, биринчи ва иккинчи ҳолатларни ажрата олмайди, тўғри терминлар ва янги сўзларни мустақил таҳлил қилиш имкониятига ега бўлмайди.

Кўр-кўрона кўчириб ёзиш салбий оқибатларни келтириб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун доим конспект ёзишга сидқидилликдан киришиш, асарнинг мазмунини тўлиқ ўзлаштириш мантиқан тўғри ва изчил кўникмаларини мунтазам такомиллаштириб бориши керак.

Талабалар конспект ёзишда асарнинг муҳим асосий жойларини тўғридан тўғри кўчириб олишлари ҳам мумкин. Бундай ҳоллар кўчирилган текс ҳар икки томонидан қўштирноққа олинади ва ситата деб аталади. Қавс ичида еса кўчириб олинган жойнинг манбаи кўрсатилади.

Биз ҳозиргача бирорта китоб ёки манбани конспектлаш ҳақида гапирдик. Айрим ҳолларда бир мавзуга доир бир неча китоб ёки мақолани биргаликда конспектлаштиришга тўғри келади. Бу ҳолда бирорта масала турли манбаларда қандай баён қилинганини ўқиб чиқиб ичидан энг яхши ва тўғри баён қилинганларини танлаб олиш, уларни ўз сўзи билан ифода қилишга ўрганиши керак. Бунинг учун китобни қандай тутиш кераклиги, китобни қачон, қайерда ўқиш мумкинлиги ёки мумкин емаслиги ва шунга ўхшаш қоидаларни ҳам билишимиз керак. Қисқа қилиб айтганда китоб билан шундай муносабатда бўлиш керакки, китоблар узоқ яшасин.

Бундай қоидаларга қуйидагилар киради:

1. Китобни еҳтиёт қилиш лозим, бармоқни хўллаб китоб варақлаш мумкин емас;
2. Китобни букиш мумкин емас, китоб саҳифаларини қайириб қўйиш мумкин емас;
3. Китоб орасига қалам, ручка солиш мумкин емас;
4. Китоб устида, ичига ёзиш ва расм солиш мумкин емас;
5. Ифлос қўл билан китоб ушлаш мумкин емас;
6. Китобхон кутубхонадан олинган китоб устига қоғоз билан ўраш, башарти китоб йиртилган бўлса, уни йелимлаб ёпиштириб қўйиш керак, чунки уни яна кўпгина китобхонлар ўқийди.

Бундан ташқари жавонда туриб қолган китобларни вақти-вақти билан шамоллатиб туриш керак, хуллас китобларни чангдан, захдан нурдан сақлаш керак. Булар қоғозга ёмон таъсир кўрсатиб, китобларни ишдан чиқаради.

### 3. Тезислар ва реферат тайёрлаш

Китоб устида ишлашнинг муҳим шаклларида бири конспект олишнинг қисқароқ шакли уни тезислар деб аталади; тезислар ёзиш ҳам китоб устида ишлашнинг махсулидир. Тезислар ўрганилаётган материални асосий ҳолатларини қисқача ва лўнда ифодалашга имкон беради.

Тезислар ўқилган китобларни чуқур таҳлил қилиш энг муҳим ғояларни бошқалардан ажратиб олиш ғоясини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга егадир. Тезислар ёзишдан асосий мақсад талабалар билимларини аниқ, равшан ва асосий мақсадни қисқа баён қилишга мавзунинг мазмунини қисқа вақт ичида ёритиш, мустақил фикрлашга, таҳлил қилишга ўргатишдир. Тезислар одатда асарнинг мазмунини тўлиқ ўзлаштирилган ва қисқа вақт ичида баён қилиш лозим бўлганда тузилади. Бунга талабаларнинг конференцияларга тайёргарлик қилинаётганда тақдим қилинадиган тезислар мисол бўлиши мумкин. Шунини айтиш керакки, бундай тезислар босилиб чиқиб, конференция иштирокчиларига тарқатилади ва конференцияда муҳокама қилишга асос бўлади. Тезисларни тузиш конспект ёзишга қараганда анча мураккаб, тезислар асосида кенгайтирилган конспектлар тузиш мумкин. Шу билан бирга энг яхши ёзилган конспектлардан тезис тузиш унчалик қийин эмас. Тезислар оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий тезис исбоқиз, далилсиз бўлиб, мураккаб тезис асосий мақсадни кенгроқ ёритилади. Шунини айтиш керакки, босмада босилган тезис келажакда илмий асар рўйхатига киритилиш мумкин.

Шундай қилиб тезислар тузиш конспект ёзишга нисбатан анча мураккаб. Бу конспектдаги масалаларни қисқача, лўнда қилиб баён қилишни талаб қилади.

Шундай қилиб, мураккаб ва кенгроқ тезислар яхши ўзлаштирилган муфассал материаллар асосида тузилади. Айрим мажлисларда сўзга чиқишни кўзда тутган нотиклар президумда ўтириб ўз чиқишларини тезис ҳолда ёзиб оладилар.

Талабалар 4 йиллик ўқув жараёни давомида, сўзга чиққанларида конспектга ўхшатиб тезисга қараб гапира берадиган нотиклик санъатидан ҳам айрим тажрибаларга ега бўлишлари керак. Чунки келажакда суғурта ташкилотларида ишлаганларида, уларга суғурталанувчилар билан иш олиб боришга, айрим йиғилишларда сўзга чиқишга тўғри келади. Дастлабки тажрибани семинарларда ва конференцияларда тажриба қилиб кўриш керак.

Маълумки, ўқиш жараёнида турли фанлар бўйича хилма-хил мавзуларда реферат ёзишга тўғри келади. Реферат лотинча «рефере» сўздан олинган бўлиб, доклад қилиш, ахборот бериш демакдир. Реферат дастлаб ёзма равишда баён қилинади. Реферат деганда муаян масаланинг маҳиятини мазмунини ифодалаш тушунилади. Рефератлар ёзилишининг асосий мақсади талабаларнинг мустақил олган билимларини бағолаш, бахслашиш, муаян мавзуда уларнинг таълим олишишини ташкил қилиш мутахассисликка доир назарий ва амалий билимларни бойитишдан иборат.

Реферат ёзиш тезис тузиш ёки конспект олишга қараганда кўп вақт ва меҳнат талаб қилади. Чунки талаба мавзуи моҳиятини чуқур билиш, яхши ўйлаб кўриши, пухта тағлил қилишга, ўқилган текстига танқидий кўз билан

қараш, уни тўлиқ ўрганиши, умумлаштириш илмий жиҳатдан мустақил хулосалар чиқариши, ўз фикрини исбот далиллар орқали асослаб бериши, мавзунини актуаллиги ва амалий аҳамиятини тўлиқ ёритиши керак.

Реферат семинар машғулотларида назарий амалий конференцияларда муҳокама қилинади, бахсланади.

Талабаларнинг мустақил ишлаш ва таълим олишнинг шаклларида бири ўзлари ўқиган китоблари, матбуот нашрларига доир картотекалар тузишдир. Бунда мутахассислик ва ихтисосликка доир махсус адабиётлар, улардан олинган асосий фактлар, рақамлар ситаталарни назарий, хулосаларни кўчириб ёзиш ва мавзуга доирларини тартибга солиш, тематикаларга бўлиб чиқиш, улардан фойдаланишни енгиллаштиришдир.

Ҳозирда картотекалар интернет шаклида тузилмоқда. Ҳар бир мавзу бўйича янги маълумотлар билан бойитиб бормоқда.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Адабий китоблар;
2. Ҳуқуқий адабиёт;
3. Ижтимоий-иқтисодий адабиётлар;
4. Реферат;
5. Тезис;
6. Конспект;
7. Картотека;
8. Интернет.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:**

1. Ўқув жараёнининг илмий асосларига нималар киради?
2. Маъруза машғулотлари қандай ўтказилади?
3. Маъруза машғулотларига конспект қандай тайёрланади?
4. Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш тартиби
5. Илмий семинар нима ва у қандай ташкил қилинади?
6. Коллоквиум нима?
7. Коллоквиумга тайёргарлик кўриш тартиби
8. Мутахассислик фанлардан назорат ўтказиш тартиби ва шакллари

### **Фойдаланилган адабиётлар**

Асосий адабиётлар: 2,3,9,22,26,27,29,30.

Қўшимча адабиётлар: 37,39,41,42,43.

## **7-мавзу: Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнида илмий тадқиқот ишлари (2 соат)**

### **1. Илмий тадқиқот ишлари турлари**

Олий мактабларда мутахассислар тайёрлашнинг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришдир.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу ҳисобда, суғурта соҳасида ҳам илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш суғурта фанини янада ривожлантириш билан бирга кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан оширишга ёрдам беради. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси иқтисод соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда кўрсатилишча, республикамизда банк молия тизимини ривожлантириш ва еркинлаштиришни прогнозлаштириш институти ташкил қилинади. Бу институтнинг вазифаси биринчидан, республика банк молия тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур изчил таҳлил қилиш бу асосда жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида банк қонунчилигини такомиллаштиришдан иборат. Иккинчидан, банк молия тизимини макроиқтисодий ва бюджет тизими сиёсати билан узвий мувофиқлаштириш, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг мақсадли вазифаларини ва устивор йўналишларини ва ижтимоий ривожланишининг қабул қилинган комплекс дастурларига мувофиқ бўлган стратегияси ишлаб чиқишда қатнашиш ва бошқа маалаларни тадқиқ қилиш билан шуғулланади. Келгусида бу институтда 30 ортиқ илмий ходим фаолият юритади. Шунини айтиш керакки, илмий тадқиқот бўйича қобилиятли битирувчилар мазкур институтга илмий ходим сифатида қабул қилиниши мумкин. Бу илмий тадқиқот институтига биринчи навбатда магистратурани тамомлаган битирувчилар қабул қилинадилар. Ҳозирда 4 йиллик ўқув даврида яхши фаолият кўрсатган талабалар магистратурага қолдирилмоқда. Магистратура қабул қилинганлар билан суҳбатлашганимизда уларнинг ўқув даврида талабаларнинг илмий-тадқиқот тўғарақларида қатнашганликларини, ўзлари тайёрлаган илмий докладлар билан талабаларнинг илмий конференцияларида иштирок етганликларини баён қиладилар.

Ҳозирда институтимиздаги кафедралар ҳузуридаги илмий тадқиқот тўғарақлари ташкил қилинган, унга малакали ўқитувчилар раҳбарлик қилмоқдалар. Тўғарақлар бир ойда икки маротаба мажлис ўтказиб, бу кун тартибида илмий тадқиқот ишларининг ташкилий асослари ўрганилади. Талабаларга тадқиқот учун мавзулар тақсимланиб берилади, уларга раҳбар тайинланади. Ҳар йили май ойида талабаларни илмий конференциялари ўтказилади, конференция иштирокчилар бир неча секцияларда иш олиб борадилар. Ҳар бир талабага 2 мавзуда илмий доклад билан қатнашишга руҳсат берилади. Енг яхши доклад муаллифлари белгиланган тартибда тақдирланадилар.

Шунини айтиш керакки, тўғарақлар ва конференциялар талабаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хозирда институтимизда ишлаётган ва дарс бераётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги кафедралардаги илмий тўғаракларни собиқ талабалари бўлганлигини унутмаслик керак. Тўғаракнинг актив аъзолари келгусида фан номзоди ва доктори бўлиб йетишганликларини, уларнинг мақолалари матбуотда еълон қилинганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Хозирда республика газеталари енг яхши талабалар томонидан ёзилган енг мазмунли мақолаларни босиб чиқармоқдалар ва бу мақолалар келгусида магистратурага йўлланма олишга хизмат қилади.

## 2. Курс ишлари ва уларни ёзиш тартиби

Курс ишлари олий таълим жараёнининг таркибий қисмидир. Бу иш кўпчилик фанлар бўйича фақатгина кундузги бўлимда таълим олувчи талабаларгина емас, балки сиртдан таълим олувчиларга нисбатан кўпроқ қўлланилади. Масалан, биринчи курсда иқтисодий география, иккинчи курсда иқтисодий назария, учинчи ва тўртинчи курсларда мутахассисликка доир фанлар бўйича курс ишлари бажарилади. Курс ишлари мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлса ҳам, лекин унинг услубининг бир-бирига ўхшаш томонлари бор.

Курс иши бўлажак мутахассиснинг шаклланишида муҳим ва ҳал қилувчи босқичларидан иқтисодий назарий ва амалий мустақил билимни егаллашнинг муҳим тадбирларидан биридир.

Курс ишини бажариш жараёнида илмий ва тарбиявий ишлар комплекс асосида амалга оширилиб, буларни орасида қуйидагилар биринчи даражали аҳамиятга егадир. Бунинг йўналишлари қуйидагича:

1. Фаннинг долзарб мавзуси ва муаммолари чуқур ўрганилади. Курс иши устида ишлаш жараёнида талаба тор рамка сифатида ўрганаётган мавзунини чуқур ўрганиши, унинг йўналишларини таҳлил қилиш ҳақида тушунчаларга ега бўлади;
2. Мустақил ишлаш усуллари билан танишади, иқтисодий назарий ва амалиётни долзарб масалаларини ёзма баён қилиш усуллари ўрганади. Бундан ташқари библиография тузиш, статистик тўпламлардан фойдаланиш, мавзулар бўйича конспект тузиш, ақлий меҳнатни тавсияларидан фойдаланишга ҳаракат қилади;
3. Иқтисодий қонунлар ва категорияларни амалиётда қандай татбиқ қилинишини ўрганади.

Курс иши талабанинг мустақил фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Шундай қилиб, курс иши талабанинг мустақил ишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга ега. Ҳар бир курс ишини бажаргандан кейин талабага имтиҳон топшириш учун рухсат берилади.

Шундай қилиб, курс ишини бажариш жараёнида талаба қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

1. Курс иши учун мавзу танлаш;
2. Кафедра томонидан тавсия қилинган адабиётларни тўплаш, уларни ўрганиш, конспектлаш, керакли жойларини ёзиб олиш;
3. Курс иши режасини тузиш;
4. Назарий масалалар ва амалий материалларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, қайтадан ишлаб чиқиш;
5. Курс иши текстини ёзиб чиқиш уни расмийлаштириш ва ўқитувчига тақриз учун тақдим етиш;
6. Тақризнинг талаблари асосида айрим тузатишлар киритиш, тақризчи талаби асосида қўшимча саволларга ёзма жавоб бериш;
7. Курс ишини ҳимоясига тайёрланиш.

Курс иши мавзу танлашда, унинг аҳамияти, назарий ва амалий материалларни мавжудлиги ва йетарли бўлиши, янги масалаларни ўрганилиши,



танланган мавзу ҳақида умумий тасаввурга ега бўлиши, танланган масалаларга қизиқиши ҳам муҳим аҳамиятга егадир.

Бундан ташқари мавзу жуда кенг масалаларга бағишланмаслиги, қисқа масалаларни аниқлаш билан чегараланмаслиги керак.

Шундай қилиб, мавзу танлашда мумкин қадар мураккаб мавзуни танлашга ҳаракат қилиш керакки, бу масалани ўрганиш талабанинг билмаган нарсаларини билиб олишга курснинг навбатдаги бўлимларини ўрганишга яқиндан ёрдам беради. Институт шароитида 3-4 фандан ёзиладиган курс ишининг бир-бири билан боғланган бўлиши талабанинг бир-бири билан боғланган масалаларини изчил ўрганишга ёрдам берди.

Курс ишини режасини тузиш тавсия қилинган адабиётларни ўрганиб чиқилгандан кейин бошланади.

Шуни кўзда тутиш керакки, режадаги масалалар кўпайиб кетмасин режада энг муҳим масалалар ўз ифодасини топиши, режада кўзда тутилган масалалар хозирги замон талаблари билан алоқадор бўлиши керак. Айрим талабалар режа тузганда олдин кўзда тутилган масалаларни такрорлаш ҳоллари содир бўлади. Учинчи масала биринчи масалани, тўртинчи масала иккинчи масалани такрорламаслиги керак. Режа тузганда кўзда тутилган масалаларни аниқ ифода қилишга ҳаракат қилиш керак.

Режанинг кириш қисмида асосий масалалар кўрсатилиб, бир масалани тушунтиргандан кейин иккинчи масалага ўтишда изчилликни еътибор бериш керак. Ҳар бир масала мамлакат олдида тутган вазифалар билан алоқадор бўлиши керак.

Курс ишида рақамлар ва мисолларни ишлатишда уларнинг орасидан энг муҳимини танлаб олишга аҳамият бериш керак. Курс ишида келтирилган рақамлар ва мисоллар тасодифий бўлмаслиги, улар бир-бири билан боғланган бўлиши керак. Мумкин қадар янги рақамлар ва фактлардан фойдаланиш керак. Бундан ташқари курс ишида маҳаллий маълумотлардан фойдаланишга еътибор бериш керак.

Курс иши ҳажми 30 бетдан ошмаслиги керак. Ҳар саҳифада 2-3 см атрофида жой қолдириш керак. Бу жой тақризчининг фикрини ёзма баён қилишини кўзда тутати. Курс ишини ҳар бир бетида 2-3 абзасдан бошланиши кўзда тутилиб иловада адабиётлар рўйхати берилади. Бунда дастлаб Олий Мажлис қарорлари, Президент асарлари, курс ишига доир монографиялар кўрсатилади.

Курс ишининг дастлабки нушаси ёзиб бўлингандан кейин, илмий раҳбари кўриб чиқиб, камчиликларни кўрсатади. Бу камчиликлар тузатилгандан кейин курс иши ҳимояга тақдим етилади. Кафедра лаборанти ким ва қачон ҳимоя қилиши ҳақида талабаларни хабардор қилади. Ҳар бир курс ишига комиссия томонидан баҳо қўйилади. Ёмон баҳо олганлар такроран курс иши ёзади ва ёқлайдилар.

### **3. Битирув малакавий ишлари ва уларни ёзиш тартиби**

Битирув малакавий ишлари олий ўқув юртларида олинган таълимнинг сўнгги босқичи ҳисобланади. Битирув малакавий иш ёзиш ишлаб чиқариш амалиёти даврида амалга оширилса ҳам, лекин унга тайёргарлик институтда охириги дарслар давом этаётган ойлардан бошланади.

Охириги курсда барча имтиҳон ва синовларни тугалланиш арафасида ишлаб чиқариш амалиётига тайёргарлик бошланади. Дастлаб қайси талаба қайси суғурта компаниясида ишлаб чиқариш амалиётини ўташи аниқланади. Тажриба шуни кўрсатадики, кўпчилик талабалар Тошкентда амалиёт ўташга ҳаракат қиладилар. Бошқа шаҳардан келган талабаларни ўз турар жойларида амалиёт олиб боришига ҳам руҳсат берилади. Амалиёт «Суғурта назарияси» ва «Суғурта иши» фани бўйича ўтказилади.

Амалиётда талаба суғурта компаниясига юборилиб амалиёт раҳбари белгиланади, ҳар бир ҳафтада қандай суғурта турлари мавжудлиги, суғурта тариф ставкалари ва уларни ҳисобланиши ҳамда ундирилиши махсус ўқув режаси олдиндан белгиланади. Агар мажбурий суғурта тури учун бир ҳафта ажратилган бўлса, дастлаб суғурта компанияси бўйича тайинланган раҳбар билан назарий масалалар такрорлаб есга олинади. Шундан кейин бирор корхона мисолида уни суғурта ҳимоясига олиш ва суғурта мукофатларини ҳисоблаш ҳамда ундириш кўрсатилади. Бошқа корхона мисолида талабалар ўзлари мустақил равишда амалий масалалар билан танишадилар. Ана шунда амалиёт ҳар бир суғурта тури бўйича амалиёт раҳбарлигида бажарилади. Бу ҳақда амалиёт раҳбари талабанинг кундалигига ёзиб имзо қўяди. Ҳар бир суғурта ташкилоти бўйича амалиёт ўтказилиши режалаштирилади. Масалан, «Ўзбекинвест» суғурта компанияси бўйича амалиёт ўталиб, бир ҳафта мобайнида суғуртанинг хусусиятлари билан таништирилади. Суғурта бўйича фақат «Ўзбекинвест» бўйича емас «Ўзагросуғурта» ва бошқа суғурта ташкилотларида, шу жумладан Давлат суғурта назоратида амалиёт ўтказилади. Ишлаб чиқариш амалиёти тугаллангандан кейин барча ўрганилган масалалар йиғма ҳисоботда қисқача баён қилинади. Ҳисобот институт бўйича амалиёт раҳбари томонида қараб текширилиб, тақриз ёзилади. Тақризга ижобий ёки салбий баҳо берилади, амалиёт раҳбарининг хулосалари еътиборга олинади. Ҳисобот комиссия аъзолари иштирокида ҳимоя қилинади. Амалиёт даврида ҳар ҳафтада бир кун битирув малакавий иш учун вақт ажратилади. Битирув малакавий иш ишлаб чиқариш амалиёт даврида давом еттирилади. Деканат бу тадбирни ҳар бир талаба билан келишиб ҳал қиладди. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида раҳбар томонидан битирув малакавий иш устида қандай иш олиб борилаётгани кузатилади. Камчиликлар кўрсатилади. Ишлаб чиқариш амалиёти тугагандан кейин кафедрага битирув малакавий ишнинг дастлабки варианты тақдим қилинади. Шу билан бирга кафедра томонидан битирув малакавий ишининг ҳимояси уюштирилади.

**Таянч сўз ва иборалар:**

1. Курс иши;
2. Илмий тўғарак;
3. Конференсия;
4. Битирув малакавий иш;
5. Малакавий амалиёт;
6. Малакавий амалиёт хисоботи.

**Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:**

1. Илмий тўғарак нима ва у қандай ташкил қилинади?
2. Илмий тўғаракка аъзо бўлиш ва қатнашиш тартиби
3. Илмий тўғаракнинг мақсади ва вазифалари.
4. Курс иши нима?

**Фойдаланилган адабиётлар**

Асосий адабиётлар: 1,3,5,9,22,27,29,30.

Қўшимча адабиётлар: 37,39,41,42,43.

## Адабиётлар

### Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: «Адолат», 1996 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида» Қонуни. – «Халқ сўзи», 2002 йил 28 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. 1995 йил 5 январдан 2000 йил 1 январигача.— Т.: «Адолат», 2000.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзагросуғурта» давлат-аксиядорлик суғурта компаниясини ташкил етиш тўғрисида» 1997 йил 25 февралдаги Фармони. – «Халқ сўзи», 1997 йил 26 феврал.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада еркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 январдаги Фармони. – «Халқ сўзи», 2002 йил 1 феврал.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. – Т.: 2002 йил 11-сон.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: "Ўзбекистон" 1992.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари. Т.: "Ўзбекистон" 1993.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: "Ўзбекистон" 1999.
10. Корчевская Л.И., Турбина К.Е. Страхование от А до Я. Книга для страхователя.— М.: «ИНФРА-М», 1996.
11. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари.— Т.: Шарқ, 1996.
12. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент.-Т.: «Академия», 1999.
13. Миллерман А.С. Теория и управление рисками в страховании. – М.: «Финанси и статистика», 2002 г.
14. Плешков А.П., Орлова И.В. Очерки зарубежного страхования. – М.: «Анkil», 1997 г.
15. Пфайфер К. Введение в перестрахование. – М.: «Анkil», 2000 г.
16. Риловский С.М. Страхование. – М.: «Инфра-М», 2001 г.
17. Саркисов С.Е. Личное страхование. – М.: «Финанси и статистика», 1996 г.
18. Сербиновский Б.Ю. Страховое дело. – Ростов на Д.: «Феникс», 2000 г.
19. Собиров Ҳ.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Мехнат», 1998 й.
20. Турбина К.Е. Инвестиционный процесс и страхование инвестиций от политических рисков. – М.: «Анkil», 1995 г.
21. Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. Учебник. – М.: «РСК», 2001 г.
22. Финанси. Учебник. Под ред. проф. Родионовой В.М. – М.: «Финанси и статистика», 1992 г.

23. Хохлов Н.В. Управление риском: Учебное пособие для вузов.— М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2001.
24. Шахов В.В. Страхование. Учебник для вузов.-М.: «ЮНИТИ», 2001.
25. Шинкаренко М. Страхование ответственности. – М.: «Финансы и статистика», 1999 г.
26. Шихов А.К. Страхование. – М.: «Юнити», 2000 г.
27. Юлдашев Р. Страховой бизнес. Словарь-справочник. – М.: «Анкил», 2000 г.
28. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур (махсус курс) Т. 2000.
29. З.Йўлдошев Биринчи курс талабалари учун услубий кўлланма ТФИ Т. 1998.
30. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: «Молия», 2002 й.
31. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент.— М.: «Финансы и статистика», 1996.
32. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. – Спб.: «Питер», 2002 г.
33. Белих В.С. Страхование право. – М.: «Инфра-М», 2001 г.
34. Бендина Н.В. Страхование. – М.: «Приор», 2000 г.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Бланд Д. Страхование: принципий и практика. – М.: «Финанси и статистика», 2000 г.
2. Дробозина Л.А. Финанси. Денежное обращение. Кредит. Учебник для вузов.— М.: «ЮНИТИ», 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.— Т.: «Ўзбекистон», 1998.
5. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 1999.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интилоқда.- Т.: «Ўзбекистон», 1999.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, еркин фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.
8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали. 2001-2004.
9. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 2001-2004.
10. Ҳамкор газетаси. 2001-2004.
11. Тошкент Молия институтида 2004 йил феврал ойида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари. Т.: ТМИ, 2004.